

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 52-53 (6892-6893)
1998 йил 7 июль, сешанба

Сотувда эркин
нархда

ҲАҚИҚАТНИНГ

ОЛТИН

Ватан остонадан бошланади, деймиз ҳар гал Ватан хақида сўз айтганда.

Азал-азалдан Туронзамин дея улугланган диёримизнинг тарихи қаердан бошланади, миллатимизнинг келиб чикиш илдизлари қаерда? Мазкур мавзуларга бағишланган китоблар жуда кўп. Энг қизиғи, ҳаммасида ҳар хиллик, тарқоқлик ва юзакилик мавжуд.

Олис-олисларга бориб тақаладиган буюк тарихимизни ўрганиш, назаримизда шунчаки расмиятчилик учун олиб борилаётганга ўхшайди. Ваҳоланки, ўзининг ақл бовар қилмас кашфиётлари билан дунё назарига тушган қанчадан қанча ватандошларимизнинг ўзи ҳам биз учун улкан Ватан-ку!..

Ҳеч хотирамдан кўтарилмайди. Болтиқ бўйи республикаларида ўтказилган адабиёт кунлари муносабати билан биз бир гуруҳ ўзбек ижодкорлари ҳам бу йўғин-

га таклиф этилган эдик.

Рига шаҳрининг бир до-рихонасидан ўзимизга керакли дорини сўраганимизда сотувчи аёл бизнинг қаерданлигимизни сўраб, ўзбекистонлик эканлигимизни билгач, бизга танбех берган: «Сизларни касал бўлишга ҳаққингиз йўқ, чунки ватандошингиз Абу Али ибн Сино шунақа зўр китоблар қолдириб кетганки, унда сиз яшаб турган жойдаги ўт-ўланлар билан ҳар қандай касални даволаш мумкинлиги айтилган»...

Мен сотувчи аёлнинг бизга берган танбехдан хафа бўлмадим, аксинча қувондим. У аёл отасининг қатта доришунос олим эканлигини, уйда ибн Синонинг Англиядаги бир доришунос олимдан сотиб олишган қўлёзма асари борлигини айтиб қолди. Абу Али ибн Синонинг тарихини билиши билан фахрланаётган ригалик бир доришунос аёлнинг олдида ўз тарихимизни ун-

Тарих алдамайди

ИЛДИЗИ



дан кўра саёзрок билишим рости гап алам қилиб кетди.

Мустамлакачиликнинг узун занжирлари остида тарихимиз узоқ йиллар бўяб кўрсатилди. Ҳали эсимда, Яссавийнинг «қозон»ини илк бор Эрмитажда кўриб хайратланганмиз. Ахир, бизни хайратга солган осори атиқалар аслида бобокалонларимизнинг бизга қолдириб кетган ёдгорликлари эди-ку.

Инкилоб ниқоби остида таланган қадим Бухоронинг, қўхна Урганчнинг, буюк Самарқанднинг ҳалигача биз тағига етолмаган муқаддас тарихи хориждаги кутубхоналарда, музейларда бебаҳо мулк сифатида сақланмоқда.

Яқинда муборак куни нишонланадиган ватандошимиз буюк аллома ал-Фарғонийнинг табаррук ёди қачонлардир немис шоири Гётеннинг қаламига олинганда, бизда ҳали буюк олим ҳақидаги тасавурлар ҳаминқадар эди.

Боболаримизнинг ҳикояларидан биз биламизки, вагонлаб ташиб кетилган олтинлар қаторида, бизнинг буюк тарихимиз битилган қанчадан-қанча китоблар, Англия, Франция, Германия қўйинги, дунёнинг барча мамлакатларига сочилиб кет-

ди. Биз КПСС тарихи билан машғул бўлган дамларда хорижлик талабалар Осие, жумладан, ўзбек тарихини ўқидилар. Балки биз ҳам болаликданок тарихимизни ўрганганимизда эди, бугун болаларимизда тарихга бўлган лоқайдлик ўрнини фахр туйғуси эгаллаган бўлармиди?

Кимлардир тан олмагани билан ҲАҚИҚАТ зигирча ҳам зарар кўрмайди. Зеро, ҳақиқатнинг асл илдизи асллар қаъридан шуъла сочиб яшайверади.

Бугунги кун боласининг руҳи жўрликни эмиб улғаяди. Шунинг учун ҳам бугунги кун таълим-тарбия ишлари ҳар бир тарбиячининг, ҳар бир ўқитувчининг олдига улкан маъсулият қўяди. Аввало, болаларда ўз ватани тарихи билан фахрланиш туйғусини уйғотиш лозим. У эртага мана шу ватаннинг муносиб фарзанди ва ўзидан кейинги авлодларга тарихни тўлалигича етказувчидир.

Тарих улкан зиёратгоҳдир. Биз уни зиёрат қилмай, тушунмай туриб, келажак хақида гаширишга ҳаққимиз йўқ. Қанча манзилларни босиб, Бухорои шарифни зиёрат қилиб кетувчи хориж-

ликларнинг хайратида ҳам бизнинг ўзбекона фахримиз бор.

Аслида она тупроғимизнинг ҳали ҳеч ким тополмаган сир-синаоти бор. Чунки бу диёр неча-неча босқинларни кўрди. Хаттоки, Искандардай буюк лашкарбози ҳам ўзбек тупроғини буюк руҳлар кўриқлаяжани таъкидлаган эди. Балки шунинг учун бўлса керакки, бу тупроқ ёмон ният билан келган ҳар қандай келгиндиларни улоқтириб ташлайди.

Бу эса тарихимизнинг улуглигини, илоҳийлигини такидлайди.

Оромгоҳларни кий-чувга, завққа тўлдириб, ўйнаб юрган ўзбек болаларининг ичида дунёни ўз кашфиёти, ақл-заковати билан титратган Ибн Сино, Беруний, Фарғоний, Улугбеклар, буюк жаҳонгир Темурлар етишиб чиқади. Чунки, тарих гилдираги тинимсиз айланаверади. Буюк ҳақиқатлар энг оддий ҳақиқатлар бўлгани каби бизнинг бу орзуларимиз оддий туюлиши мумкин. Аслида, бизнинг бугунимиз, ўша қадим тарихимизнинг олтин илдизларидан бошланган. Ҳамиша илдизи бақувват халқнинг келажаги ҳам қудратли бўлажак.




Қадим Бухоронинг
минорларидан
Бизга боқиб турар
боболар кўзи.
Барча балолардан
асрагай бизни,
Янчилмас тарихнинг
олтин илдизи.

Ўзбегим ҳар кунинг
нурларга тўлғай,
Сендан ўғрилмагай
қуёшнинг юзи.
Буюк келажакка
остона бўлғай,
Табаррук тарихнинг
олтин илдизи.

Оптоқ булутларни
қучиб яшагил,
Кўнглинг бўстонида
гуллар турланар.
Ватан осмонини
тўлдирад бир кун,
Кўзинг осмонидан
учган турналар.

Ислоҳ, сен бир обод
ўғлон бўласан,
Қалбларда очилар
меҳринг доласи.
Баланд осмонларга
баланд тикилгил,
Озодлик боласи,
хурлик боласи!





ВАТАННИ СИЗ ҚАЛБ БИЛАН СЕВИНГ!

Озодлик нафаслари каби илиқланиб келаётган кунларимиз бизга яқин ўрталарда мустақиллик куни — ўзбекнинг энг катта байрамини олиб келади. Ана шу кунларда Ватан қадри осмон қадар улуғланади.

Азиз болажонлар!
Тенгдошларингиз ватанга бўлган меҳрларини изҳор қилиш учун, ўз дўстингиз «Тонг юлдузини» энг яхши изҳор элчиси деб билди.

Илк шеърлар сўзсиз Ватан ҳақида ёзилади, кўзлар илк бора очилганда Ватанни кўради. Меҳрнинг илк изҳори шак-шубҳасиз Ватанга аталади. Эҳтимол, она деган сўзни ушбу сўздан йироқ тушунадиганлар ҳам бордир, бироқ онамизнинг илиқ қучоғи ҳам биз учун Ватан бўлади. Йўллардан кетсангиз ватанга элтади, гулларга эргашсангиз ватанга элтади...

Нима бор ўзи Ватандан айро?...

Нима бор ўзи Ватансиз обод-у, озод?...

Ватанни тарк этганлар Ватан илинжида саргайдилар. Ичида ватандек устуни, ватандек озод юраги, бепоён меҳри бўлмаган одамлар Ватанга ойдинлик соғинмайдилар, рўшнолик истамайдилар.


Дунёда неки бор ўзига бошпана — Ватан излайди. Ана, қаранг, изгиб юрган шамол ҳам, анов сарик хазон ҳам, атрофингиздаги жаъми тирриклик ўзига Ватан излайди. Ватанини ёмон туйғулардан, хиёнатдан, ҚУЛЛИКдан озод сақлаб, уни севмоқ ҳар бир иймонли инсоннинг бурчи. Юртнинг келажаги порлоқ бўлиши

ни истаганлар илмга интиладилар, одобли бўладилар.

Юртбошимиз Ислом Каримов беҳад гўзал лутф билан «Бу озод ватан барчамизникидир», деган эдилар. **Дарҳақиқат, ватаннинг озодлиги ҳам, ободлиги ҳам, унинг оғриқлари ҳам бизникидир! Уч ҳарфли ЭРК сўзи** уч миллион хужайрамизни, илдизимизни ишғол этди. **Бу Ватанга бўлган меҳрнинг кучи эмасми? Мустақил элнинг болалари оққушлар янглиг озод ўсишлари учун эзгуликка, илмга элтувчи жаъмики йўллар очилган. Бу истиқлолнинг истиқболли шарофати эмасми?**

Ватан меҳри онанинг беминнат меҳрига ўхшайди. Боласини ташлаб кетган оналар топилади, оталар топилади, аммо ватан кимни ташлаб кетган, Ватан кимга хиёнат қилган? **Ҳеч кимга! Шу ўринда шoirнинг ушбу сатрларини айтиб ўтгим келди:**

ВАТАН!
Ҳомуш юзинг ўгирма,
Болаларинг бузса уйини.
Сен уларни аяб ўтирма,
Дарахтларга



севмоқ керак!

Оддий сўзлар билан шунчаки севиш Ватан номига иснод бўлади. Ватанни қалб билан, борлигингиз билан севинг! Тинчлик кабуларига айтингиз, бизни тарк этмасинлар...

Ҳумо қушига айтингиз, бошимиздан кетмасин!

Муқаддас жойларгина Ватан деб аталади. Сиз ана шу муқаддаслик олдида қанчалар бурчлисиз, қанчалар маъсулсиз, қанчалар азиз ва севимлисиз.

ОЙДИНАИК

Мен Ватан деган сўзни илк бора китоблардан ўқидим, эртақлардан эшитдим...

Эшитганим сари юрагимга ажиб бир ойдинлик, жўшқин бир меҳр иниб келаверди.



Мен дарахтларнинг шовуллашида ҳам, гулларнинг шивирида ҳам, тупрокнинг хокисор туришларида ҳам Ватанга аталган ажиб бир меҳр яширинганини хис этдим. Бу меҳр табиий, туғма туйғудек эди, назаримда. Чунки онамизга бўлган меҳр каби Ватанга нисбатан меҳр ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлади.

«Ўз уйинг ўлан тўшагинг», «Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо

бўл», деган халқимизнинг ажойиб мақоллари бежиз айтилмаган.

Шoir Абдулла Ориповнинг:

Ватандин айро кўнгилни, билингни яйратиб бўлмас, Баайни, банди булбулни, чамансиз сайратиб бўлмас.

деган сатрлари нақадар ростгўй сатрлардир.

Ватан тупроғи кўзларга тўтиедир. Ватанни соғинганлар унинг тупроғини кўзларига суртадилар, қаҳрамон ботирлар бир кафт тупроқни юрагига



БУРЧ
Мен Ватан олдидаги бурч ҳақида ёзгим келади. Ватан ҳақида чиройли сўзларни кўп айтиш мумкин. Бироқ унга астойдил хизмат қилмоқни ўрганмоқ керак.

Аввало биз ватаннинг остонасини, яъни тупроғимизни асрашимиз, уни заҳарламаслигимиз керак. Табиат ҳам ватаннинг мулкидир. Биз дарахтларни синдирмасак, денгиз, дарёларни ифлосламасак ҳам Ватанга бўлган севгимизни намоён қилган бўламиз. Ҳатто қушларнинг ини ҳам улар учун кичик бир ватандир. Бировнинг ватанига хиёнат қилмоқ ҳам ўз ватанинга ёмон сўз олиб келмоқдек бир гап. Жаҳон айвонида юзи ёруғ бўлиб, обрўси ошиб бораётган ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш учун нималар қилишимиз керак? Шу саволларга жавоб топгим келади.

Саҳифани Самарқанд вилояти, "Новқа" қишлоғи 97-мактаб ўқувчиси Алишер ЮСУПОВ ва Шаҳрисабз тумани, «Қишлоқча» қишлоғидаги 26-мактаб ўқувчиси Элёр МҶМИНОВ мактублари асосида Гулжамол АСҚАРОВА тайёрлади.

Чавандозлик
Мен ва Тоживой
Бориб қўрага,
Мингашиб олдик
Асов куррага!

Жон ҳолатида
Отиб шаталоқ,
Итқитиб бизни
Қочворди қирга.

Чавандозларга
Берилди жалов:
Пешонамизда
Биттадан гурра!
курра — хўтик,
жалов — соврин
(шева)

Сайфулла ДҶСТҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти
Қўшрабод тумани,
Тўхмон қишлоғи.



босиб жон берадилар. Буларнинг барчаси ватанга бўлган меҳрнинг изҳоридир. Ҳамма нарса ўтади, бироқ ВАТАН мангу қолади.

Баҳрайн сувларига чайдим юзимни, Насимлар эсдилар илиқ, арабий. Бир осмон тўлдириб келди кўксимни, Ватан қолар экан, Ватан абадий.

Азиз болажон, мана сен орзиқиб кутган ёзги таътил давом этапти. Барча тенгдошларинг қатори сен ҳам мириқиб дам оляпсан. Фурсат қанотли. От янглиғ учиб утмоқда. Сенинг шу ёшингдаги ҳар бир лаҳза ниҳоятда қимматбаҳодир. Чунки ҳозир сенинг хотиранг уткир, тафаккуринг оҳанграбодай. Ҳар бир сузни, ҳар бир ҳаракатни узига муҳрлаб олади.

Хуш, сен ҳозир нима иш қилияпсан?

Мен куча-қуйда баъзан сенинг тенгдошларингнинг бекордан-бекорга сандирақлаб юрганини-ю, баъзиларнинг эса бозорларда ҳар хил булмагур ишлар билан шуғулланиб турганининг гувоҳи бўляпман. Бундай тентираб юришларнинг эртаси афсус, надоматли булади. Сен уртоқларинг билан уйнаб, зилол сувларга чумилиб, боғларни айланиб бўлганингдан кейин уста амакиннинг еки боғбон бувангнинг ёнига бор, улардан касб урган, ҳунар урган. Ёшинг улгайганда сенга урганган ҳунаринг асқотади.

Яқинда қушнимиз *Валижонларнинг калити йуқолиб қолиб, эшикни бузиб киришди. Дадаси хизмат сафарига кетгани учун, ойиси илтимос қилди. Шунда 6-синфда уқийдиган Шерзод чиқиб бир пасда эшикни гулдай тузатиб, қулфни ҳам рисоладагидай урнатиб берди. Ваҳоланки, бир йил олдин Шерзод синфдоши Валижоннинг олдида чиқиб. «Юр, уртоқжон уста акамни уйларига*

Таътил қандай ўтяпти, болалик?

бориб, устачиликни урганамиз», — деганида Валижон кунмаган эди. Кунмаса ҳам майли, Шерзоднинг устидан кулиб. «Устачилик ҳам касб булибдими», — деган эди.

Болажон, ҳунаринг, касбнинг — ёмони булмайди. Сен ҳунар ургансанг эртага зорикмайсан. Ҳаттоки донишмандлар ҳам «Ҳунарсиз киши била дустлик қилмағил, нединким, бундай киши дустлик ва душманликка лойиқ эмасдир», — дейишган эканлар.

Келажаги кузларида ёнаётган нурдай ёруғ болажон, сен ҳар-хил мевалар фарқ пишиб ётган боққа кириб, мазза қилиб улардан тотиб ейсан. Аммо бу боғнинг ортида боғбон турганини ҳеч эслайсанми? Албатта эслайсан. Чунки бу боғни парвариш

Пиликдаккина қошларига усма қуйиб, ток остидаги сурида утириб, эртапишар узумларни чумчуқлардан қуриётган хаёлкаш, кичкина синглим! Сен эртақлардай узун хаёлларни яхши кўрасан. Баъзан Юлдуз Усмоновага тақлид қилиб хиргойи ҳам қилиб қўясан. Ўзбекистондаги энг зур қушиқчи буламан, албатта буламан—дейсан...

Илоё, айтганинг келсин. Халқнинг руҳини, кунглини кўтаргувчи қушиқчилар қанча кўп булса, шунча яхши. Аммо сен ҳозир бувинг, онанг биргалашиб тикаётган палакнинг гулларига разм солдингми, титраб турган тирик гулларга ухшайди-я, узингнинг ҳам юрагинг яшнаб кетди. Шундай эмасми?!

Кел, сингилжон, сен ҳам уларнинг сафига қушил, се-



ни айтиб қўяй. Келажакда катта қушиқчи булмоқчи булсанг, ҳозирдан тикувчиликни урганиб ол. Нега дейсан-

менинг тахтимнинг вориси булади, — дебди.

Бир йил ичида катта угил дунёдаги энг қимматбаҳо тошни, иккинчи угил эса сеҳрли узукни, учинчи угил эса...

Учинчи угил анчагина йул юриб, ҳеч қандай қимматбаҳо нарса тополмай бир дарахт соясига чўзилибди. Шунда бир нуроний отахон келиб ундан бор воқеаларни билиб, йигитни уйига олиб борибди. Унга эринмай косибчиликни ургатибди. Йигит косибчиликда ҳалиги устадан ҳам утадиган косиб булибди ва отасига чиройли махси тикибди. Махсининг юзига эса нуроний чол «ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққами кетгумдир охир», — деган битикларни битибди. Йигит хурсанд булиб отасининг ёнига қайтибди. Отаси икки угилнинг совғасидан кунгли тулиб утирган экан. Учинчи угилнинг тухфасидан эса юраги равшан булиб:

— Ҳайрият, энди хотиржам яшасам булади, — дебди. Шу пайт унинг кўзи махсидаги битикларга тушиб, уша муйсафид косиб узининг устози эканлигини билибдида, уни саройга олиб келиб катта зиёфат берибди...

Курдингизми, азиз болалар, ҳунар, касб, одамни нақадар улуглайди. Сиз ҳам ҳунар урганишга шошилинг, зеро келажакда номингиз улуг, насибангиз бут булади.

Ҳалима АҲМЕДОВА

ҲУНАР ЎРГАНИШ УЧУН ҲАМ ҲУНАР КЕРАК

этувчи боғбон булмаса, унга бу боғ қаерда эди...

Шунинг учун ҳам уйлаб кўр, Ҳозир сенинг тиришқоқлик, зийраклик ёнаётган ёшингда халққа фойда келтирувчи, узингга ҳурмат, шуҳрат ёғдирувчи касб-ҳунар урган. Албатта сен урганган ҳунар, келажакда сен орзу қилаётган докторлик, юристлик, уқитувчилик касбларига монелик қилмайди, аксинча, бу ҳунар уша сеvimли касбинг ичида сени олқинилайди...

нинг қушиқларинг, ҳар бир гулнинг қатига жойлансин...

Келажакнинг буюк хонандаси — қақажон синглим, сен куйлашни жуда яхши кўрасан. Баъзан сен учун тикилган куйлақларни кийиб кўриб: «Мана бу жойи мен айтгандай булмабди», — дея ноз ҳам қиласан.

Тикувчи холанинг ёнига бориб, унинг ишларини кўрат, қолаверса, қулларидан ишларини ол. Сенга бир сир-

ми?

Чунки сен эртага саҳнага ранго-ранг кийимлар кийиб чиқишинг керак. Куйлақларинг кунгилдагидек чиқиши учун, узингнинг тикканингга нима етсин...

Уста амакисининг олдида шошилиб бораётган БОЛАЖОН, палак тикишни урганишга киришиб, қулларига игна санчилиб лабчасини буриб, аразлаётган СИНГИЛЖОН, келинг сизларга яхши-си булиб утган, бугунги кунда афсонага айланган бир воқеани ҳикоя қилиб берай.

Қадимда косибчиликдан усиб, уз ҳунари, касби эвазига подшо булган киши утган экан. Унинг уч угли булиб, улар бирор касбга кунгил куйишмаган, нукул айш-ишрат билан кун утказишар экан. Подшо, ҳарчанд уринмасин, уларни йулга солмабди. Шунда бир режа рузибди. Кейин угилларини ёнига чорлаб, сизлар ҳозир сафарга чиқасизлар, бир йил ичидаги фурсатда қайси бирларинг менга дунёдаги энг қимматбаҳо тухфани олиб келсангиз, уша





ЧУМЧУК-ЧАҚИМЧИ ЭКАН.

Сиз ҳар қандай эртақнинг бошланишида чумчук-чақимчи экан иборасини нима учун ишлатилишини биласизми? Йўқ - деяпсизми, Унда эшитингиз. Қадим замонда, Китоб



деган томонда бир чолу кампир ёлғиз неваралари билан яшар эканлар. Невараларининг исми Раҳима бўлиб, унинг қўшни Бештрак кишлоғида Зебо деган дугонаси ҳам бўлар экан. Раҳима Зебони жуда ҳам яхши кўрар, топган бир бурда нонини ҳам у билан баҳам кўрар экан. Аммо кичкина Зебо жуда ҳам чақимчи экан. У бир-бири билан дугона бўлган кизларни кўролмай, қаердан деган гап топиб уларни уриштириб кўяр экан.

Кунлардан бир кун кичкина Зебо Раҳима билан

Азиз болажонлар, мана ёзги таътилингиз бошланиб, кўнглингизга ёққан жойларда дам оляпсиз.

Кимдир ёзги оромгоҳларда, кимдир қишлоқ боғининг сўриларида, яна кимдир сугирини ўтлатишга олиб чиқиб, дарахтлар соясида ўтириб, мазза қилиб бадиий китоблар ўқиётгандир. Сизни қизиқиб ўқишингиз учун янги-янги афсоналар топдик. Уларни эътиборингизга ҳавола этарканмиз, сиздан ҳам ўз тенгдошларингизни хурсанд қилишингиз учун меҳрибон бувижон, бобожонларингиздан эшитган афсона, ривоят, маталларни бизга ёзиб юборишингизни сўраймиз.

ўйнаб ўтириб: сени бувинг билан бобонг жуда ҳам ёмон кўришади, сендан қандай қилиб қутилишни билмай юришибди-дебди. Раҳима жуда ҳам кўнгли бўш қиз экан, бу гапни эшитиб касал бўлиб қолибди. Бечора чол билан кампир қанча югуриб елиб дори-дармон қилишмасин, неваралари тузалмас эмиш. Шунда машҳур бир табибни топиб келишибди. Табиб қизчанинг томирларини ушлаб кўриб: неварангизга қандайдир ёмон гап таъсир қилган, уни тузатишнинг ёлғиз йўли ўша гапни билиш ва унинг кўнглига таскин бериш, дебди.

Чол билан кампир алдаб-сулдаб невараларининг юрагидаги ҳалиги ёмон гапни билиб олишибди-да, Зебонинг уйига боришибди. Зебо эса ҳеч нарсани кўрмагандай юрганмиш. Улар Зебодан нега ёлғон гапни айтганлигини сўрашганда: Мен Раҳимага ҳеч нарса деганим йўқ, деб туриб олибди. Ҳатто гап орасида: жин урсин агар ёлғон гапирсам, -дебди. Шу пайт кичкина Зебони жин уриб, жажигина чумчукка айлантириб қўйибди. Шундан буён Зебо чумчук

қиёфасида шохдан-шоҳга кўниб вижирлаб ўзини оқлаб юрармиш.

Кўрдингизми болалар, чақимчилик, ёлғончилик одамни қандай ёмон ахволларга олиб келади.

ЎРИК ХОЛА

Қадим замонда бир кампир ва унинг ўғли, келини, неваралари бор экан. Ўша замонлар очарчилик замонлари экан. Ўғли мардикорлик қилиб бирор егулик топиб келса, ўша билан кун кечирар экан. Шунинг учун ҳам келини эри келди дегунча, унга онасини ёмонларкан. Ёмонлай, ёмонлай охири онасини ўз ўғлининг кўзига ёмон кўрсатиб қўйибди.

Ҳатто бир куни ниманидир гоҳ чайнаб, гоҳ шимиб ўтирган онасига кўзи тушган йигит ҳақиқатдан ҳам хотиним айтаётганчалик онанинг қўли эгри экан-деб ўйлабди-да, кечаси хотини билан маслаҳатлашиб уни узоқ-узоқларга ташлаб келишга қарор қилишибди. Бир куни кампирга уйку дори бериб, уни ухлаб ётган ҳолда узоқ даштга ташлаб келишибди. Бечора кампир ўзига келиб қараса, мутлақо бего-



на жойда эмиш. Такдирга тан бериб оғзидаги нарсани шимиб ўтираверибди. Шу пайт бир дехқон ўтиб кетаётди: Ва уни уйига олиб келиб, хотини болалари билан таништирибди. Кампирга халиги дехқон ўз ўғлидан ҳам яхшироқ қарабди. Аммо кампирдан қандай қилиб қаердан бу даштга келиб қолганини қанча сўрашмасин, у сир бой бермабди. Рост-да қандай қилиб ўғлим мени ташлаб кетди десин. Кунлар ўтган сайин кампир негадир безовталаниб, йўл бўйига тез-тез чиқадиган бўлиб қолибди. Унинг юзларини, кўлларини ажин босибди. Кўзлари хиралашибди. Оғзида эса тинимсиз ниманидир шимишни давом этибди. Бир куни дехқонинг хотини кампирдан: оғзингизда доимо нимани гоҳ қовшаб, гоҳ шимиб юрасиз.

Деб сўрабди.

-Эй она қизим - дебди кампир мен хизирга йўлиқиб ундан болаларим учун егулик сўрасам бир дона кичкина данак берди ва «ўғлингизни сенга бўлган меҳридан кўнглинг тўқ бўлса, шу данакни ерга эк .У катта да-

рахт бўлиб бутун оилангни боқади» деган эди. Мен ўғлимнинг кундан кунга менга меҳрсиз бўлиб борганини кўриб, бу уруғни экмадим ва ўша кундан буён оғзимда асраб келдим».

Ўғлининг бир кун меҳр қўйиб излаб топишига ишонган она, ҳар кун йўл пойлашни давом эттирибди. Бешафқат ўғилдан эса дарак йўқ эмиш. Охири оназор ўша йўлнинг четида йиқилиб жон берибди. Шу пайт қизиқ воқеа юз берибди. Кампирнинг жасади серхосил ўрик дарахтига айланибди. Йўловчилар келиб дарахтнинг мевасидан татиб кўрсалар жуда ҳам ширин эмиш. Бу дарахтнинг шухрати тезда бугун дунёга ёйилибди. Бошқа ўлкалардан одамлар келиб, унинг кўчатидан олиб кетишар экан. Шу қишлоқдаги одамлар бу мевани у тирик яъни ўрик деб номлашибди.

Шундан буён инсонлар ўрик дарахти экиб, уни парвариш қилар эканлар, энг қийналган кунларида шу дарахт жонларига оро кирар экан.

Дилбар ХАЛИМОВА, Фиждувон туманидаги С.Айний номли 4-мактаб ўқувчиси.

Албатта, сизлар тун чоғи осмонда ой нур сочишини биласиз. Аммо, сиз бирор марта унинг қандай вужудга келганлиги борасида ўйлаб кўрганмисиз? Келинг, сизга шу тўғрида бир афсона айтиб берай.

Йиллар ўтган сайин ўғил эрка ва тантик бўлаверибди, бошқа тарбиясиз болаларнинг қилиқларидан ибрат олибди. Бундан ранжиган она ўғлига танбех берибди, отаси ҳам ўғли билан гаплашиб насихат қилибди. Аммо

«Ота! Ота! Отажон!!! Йўқ!.. Йўқ!..» деган ёлворилар эшитилибди... Аммо ғазаб отига минган отанинг кўзига ёнидаги тирик жон ўзининг зурриёди бўлмиш ўғлидек эмас, балки ўта ваҳший, нафратли махлуқдек

сиқилиб, суртилиб кўчадан борар ва қаршисида нима борлигини билмай ўзига маълум мисраларни тўхтовсиз пичирлаб такрорларди. Гоҳ кулимсираб кўяр ҳам эди. Она бирданига қоқилиб кетиб, пашша ва бошқа хашо-

пайдо бўлди. Бу ўша ғамзада она эди. Эндиликда у ўзи йўл қўйган хатоликларни такрорламасликларини, қоронғуда адашиб ёмон йўлга кирмасликлари учун инсониятга тунни ойдин этиш билан фойда беради. Унинг юзи агар у инсониятдан хурсанд бўлса 15 кун ёруғ, хафа бўлса 15 кун хира бўлади.

Эътибор берсангиз унинг юзида фожеа кечасидаги чўғнинг ҳамон изи қолган.

Сурайё ТУРСУНОВА, Ромитон шаҳар 2-ўрта мактаб ўқувчиси.

ОЙГА АЙЛАНГАН ОНА

Қадимда бир ахил оила яшаган экан. Бу оилага, айниқса уй бекасига ҳаммининг хаваси келар экан. Чунки у аёл саранжом-сариршта экан. Тартибли, хушмуомала ва тўғри кўнгли, очик юзли экан. Бу оилада бирдан бир фарзанд ўғил бор экан. Ота-она боласини жуда севар, унга тарбия беришга ва хурматга сазовор киши қилиб тарбиялашга уришар экан. Улар кундузи ҳам тунда ҳам, ўғилларидан доимо хавотирда бўлишар ва айниқса ўғлининг тунда кўча-кўйда юришидан хайкишар экан. Нега дейсизми? Ўша пайтларда кундузги қуёш ёритар, тунни эса кундузги қуёш нурларидан қолган шуълалар билинар-билимас ёритар экан.

ёшлиқданок ерга қараб ўсган дарахт новдаларини тик қилиб бўлмагани сингари, ўғил ҳам ота-онасининг юзидаги доғ бўлиб юраверибди. Кундан-кунга ўғил кўполлашибди ва на онасининг на отасининг гапини қулоғига илмабди. Отаси уни бир неча маротаба чақириб юзига тарсаки туширибди ҳам, «уйга қўймайман», деб пўписа қилибди ҳам, ҳеч нима ўзгармабди. Оназор эса ўғлининг хатти-харакатидан қаттиқ ранжибди ва бетоб бўлибди. Бора-бора ўғил шунчалик ахмоқлашибдики, хатто отасини сансираб унга қўл кўтарибди. Бундан ғазабланган ота эса ўзини жиловлай олмай, ёнида турган болгани қўлига олибди-ю, юқорига кўтарибди.

кўринармиш ва унинг қулоғига на хотинининг доғ-вой солиши, на ўғлининг ўқириши эшитилармиш. Унинг кўзида ўт чақнарди. Мана, болға юқорида туришининг сўнгги дақиқаси! Ота қўли бирданига пастланди-ю, болға келиб ўғилнинг бошини қонга белади. Ҳа! Ҳа! У ўз фарзандини ўлдирди.

Жаллод ота қаршисидаги онанинг юраги уришдан тўхтадимми ёки тўхтамадимми, у бирдан қонга беланган ўғлининг танаси устига кулаб тушди ва бир оздан сўнг ал-ланималарнидир пичирлаб ўрнидан турди.

Эрка ўсдинг, боламей! Гуноҳ сенда эмасди. Сен ўлмасанг

бўлмасди!..

Она кўзи ожиз сингари




ЁШ ИҚТИСОДИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
Иқтисодий газета



Қўрқмагин, шу олма сенинг насибани,
Уни сендан ҳеч ким ололмас тортиб.
Олма-ку, эртага сенга болажон,
Олмазор болаларни қиламиз тортиқ.



НУРОБОДЛИК БОЛАЛАРНИНГ ТАЪТИЛИ СОЗ ЎТМОҚДА

Нурободдаги марказий болалар оромгоҳида бир йўла 240 ўқувчи дам олиб ҳордиқ чиқармоқда. Бу йил таътил мавсумидаги уч босқичда жами 700 дан ортиқ йигит-қиз яйраб, ўқишга куч тўплайди.

Болаларнинг ҳар томонлама тўқис дам олишлари учун туман жамоа хўжаликлари, ширкат ва корхоналар жамолари ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Ёз мева-чевалари, серкувват озиқ-овқатлар, замонавий болалар ўйинлари учун жиҳозлар муҳайё қилинди. Бу мақсадларга ишлатиш учун оромгоҳ жамғармасидаги пул 950 минг сўмдан ортиб кетди.

Оромгоҳ ҳомийлари орасида, айниқса, “Қалқонота” пайчилик жамиятининг ҳиммати мақтовга лойиқ.

ДЎСТЛАР ТАШВИШИ

Туркиянинг Аданава худудида кучли ер силкиниши содир бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда зилзила оқибатида 700 киши жароҳатланди. Бундан бир ҳафта олган рўй берган офат 140 кишини ҳаётдан олиб кетган эди.

Зилзила дўст мамлакат иқтисодиётига ҳам жиддий зарар етказди. Маҳаллий ҳукумат биринчи навбатда болалар саломатлигини тиклашга эътибор бермоқда.

ИККИ УЛКАН МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон Хитоюда 9 кун расмий сафарда бўлди. Дунёдаги 2 катта мамлакатнинг раҳбарлари ҳамкорликнинг келажакка мўлжалланган қатор муҳим ҳужжатларига асос солдилар. Улар орасида иқтисодий масалаларни биргаликда ҳал қилиш тadbирлари алоҳида аҳамият касб этади.

ОЛИМПИА МАШЪАЛАСИ - ЯРИМ ЎЙЛА



1998
МОСКВА
ВСЕМИРНЫЕ ЮНОШЕСКИЕ ИГРЫ

Болалар, сизга маълумки, яна бир ҳафтадан сўнг - 11 июлда, Москва шаҳрида Бутунжаҳон Ёшлар Ўйинлари бошланади. Мусобақалар 27 та йирик спорт майдонларида бўлиб ўтади. Айниқса, “Лужники”, “Сокольники” ва “Динамо” спорт саройлари, “Олимпия” ва “Меҳнат резервлари” спорт мажмуаларида қизгин беллашувлар бўлиши кўзда тутилмоқда. Дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан келадиган ёш спортчилар спортнинг 15 тури: баскетбол, кураш, эркин кураш, грек-рим услубидаги кураш, волейбол, гандбол, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, дзюдо, енгил атлетика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, стол тенниси, қиличбозлик ва футбол соҳаларида куч синашадилар.

Бутунжаҳон Ёшлар Ўйинларининг Олимпия машъали аллақачон Грециядаги Олимпия оловидан туташтирилган ва махсус самолётда 23 июнь куни Сочи шаҳрига олиб келинган. Олимпия машъаласи бугунгача Украина ва Россиянинг 15 шаҳридан олиб ўтилди. Бугун у қахрамон Брянск шаҳри ёш спортчилари ардоғида. Машъала Тула ва Рязань шаҳарлари ўсмирлари қўлларида “сайр этгач”, 12 июлда Москванинг Тверь хиёбонида келтирилади ва 13 июль куни соат 17 да “Лужники” спорт саройига қўндирилади.

КОРХОНА МУВАФФАҚИЯТИ

Бекободлик болалар бу йил яйраб қолишди. Чунки sanoatchilar шаҳри бўлган мазкур шаҳар аҳолисининг кўп қисми Бекобод цемент ҳиссадорлик корхонасида меҳнат қилишади. Корхона сўнгги йилларда анча қийин аҳволга тушиб қолган эди. Цемент ишлаб чиқариш 7,5 марта пасайиб кетиб, корхона бошқа ташкилотлардан катта қарз бўлиб қолди. Унинг бултурги қарзи 623 минг сўмдан ҳам ортиб кетганди.

Сўнгги бир йил корхона учун тикланиш даври бўлди. У ишлаб чиқаришнинг қулай ва камчиқим усуллари ишга солди. Цементдан ташқари асбест кувур ва шифер ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Маълумки, бу маҳсулотларга талаб катта. Шундай йўллар билан корхона ҳамма қарзларидан қутулди. Энди ишчи-хизматчилар иш ҳақларини ўз вақтида олишяпти. Акциялари эвазига оладиган дивидендлари ҳам ойдан-ойга ўсиб борапти.



ХИРМОНИМИЗ 7 ЙИЛДА 10 МАРТА ОРТДИ

Шу кунларда мамлакатимиз қишлоқларида улкан руҳий кўтарилиш ҳукмрон. Чексиз далаларда чайқалган олтин буғдойзорларда тўқинлик кўшиғи янграйди. Қудратли Кейс трактор-комбайнлари экинни тиним билмай донини донга, сомонини сомонга ажратиб, боғлаб кетмоқда. Комбайн ўтган майдонларда қопча кўтарган болакайлар ерга тўқилган буғдой донларини ҳам увол қилмай териб олишмоқда... Ҳа, ноннинг ушоғи ҳам - нон-да! Уни эъзозлаганимиз учун ҳам.

Мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришди. Ўтган 7 йил ичида ғалла хирмонимиз 10 баравар ортди. Бу йил давлатимиз ғаллакорларидан 2 миллион юз минг тонна буғдой қабул қилиб олади. Бу ҳосилни 15 августгача тўла топшириш режалаштирилган.

Ҳа, нонингиз бутун бўлди, болажонлар.


ЎҚУВ ҚУРОЛАРИНИНГ ҲАММАСИНИ ЎЗИМ СОТИБ ОЛДИМ, дейди Андижон шаҳридаги Бобур номли 24-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси Абдулла Қосимов.

- Ростини айтсам, мен аълочимасман. Ўқишларим - ўртача. Даданинг катта ўғлиман. Эркароқман. Ўқитувчимнинг талабчанлиги менга ёқмасди. Шунга... қайсарлик қилиб уй вазибаларини бажармасдим. Энди ўртоқларимдан орқада қолдим. Яқинда битта китобни ўқишда ўзимдан уч ёш кичик Аббосхондан ҳам енгилдим... Шундай алам қилди!

Энди бутунлай бошқача бола бўламан. Шунинг учун ёзда шўхлигимни ташладим. Эрталаб, кечкурнлари китоб ўқиб, ҳуснихат ёзганман. Шаҳримиздаги ипак қурти

уруғчилиги заводига вақтинча ишга кирдим. У ерда мендақа болалар кўп. Ишимиз осон: ипак қурти қапалақларини жуфт-жуфт қилиб кичкина қоғоз халтачаларга солиб қўямиз. Ҳар куни қанча ишласак, ўшанга лойиқ иш ҳақимизни беришади.

Мен 40 кунлик пулимни тўплаб, ўзимга зарур китоблар, дафтар, чизгич, номсиз харита билан портфел сотиб олдим. Яна 1 ой ишласам, мактаблик кўйлак-шим оламан. Кейин августда қишлоқдаги холамниқига бориб, ўйнаб дам олиб келмоқчиман.



КОРХОНАЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚ

**Ё.АБДУЛЛАЕВ,
К.ЯХЁЕВ.**

КОРХОНАЛАР ДАРОМАДИ ВА УЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ЗАРУРИЯТИ ТЎҒРИСИДА НИМА ДЕЯ ОЛАСИЗ?

Корхоналар даромади маҳсулот сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан ташкил топади. Булардан ташқари, корхона ва ташкилотлар ўзларининг асосий воситалари ва номоддий молларини сотишдан ва қатор савдосиз операциялардан (молиявий операциялардан) ҳам даромад оладилар. Шуларнинг йиғиндисидан шу даромадларни олиш учун сарфланган харажатлар (харажатлар таркиби ва молиявий яқун ҳақидаги низомга биноан) чегириб ташланса корхоналар даромади ҳосил бўлади.

Корхоналар яратилган ялпи даромадни ташкил этилишида фақат корхона ва ташкилотнинг ҳиссасигина бўлиб қолмасдан, давлатнинг иштироки ҳам жуда каттадир. Давлат барча корхоналар ва фуқаролар учун зарур бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликни, мамлакат мудофааси ва хавфсизликни таъминлайди, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлайди, иқтисодиётни бошқаради. Ана шу вашунга ўхшаш умумжамиат миқёсидаги функцияларни бажариш учун унга жуда катта миқдордаги молиявий ресурслар талаб қилинади. Ҳукуматнинг қатор бажарган функциялари учун бозор иқтисодиёти шароитида ҳақ тўлаш зарурдир. Ана шу ҳақ солиқлар сингари ресурслар орқали тўланади. Бундай ресурсларни ташкил қилишнинг муҳим омилларидан бири ташкилотлар даромадидан солиқ олишдир.

Корхоналар даромадига солинадиган солиқ ўзининг ҳажмига ва салмоғига кўра ҳозир солиқлар ичида кам ўрин эгаллайди, чунки солиқ тўловчиларнинг катта қисми 1996 йилдан бошлаб фойда солиғи тўлашга ўтказилди. Бу улар учун катта наф беради.

КОРХОНАЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШДА СОЛИҚЛАР ҚАНДАЙ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ?

Солиқлар шундай эластик қуролки, ундан корхона даромадини мувофиқлаштиришда (бошқаришда) исталган йўналишда фойдаланиш мумкин. Улар орқали ташкилотларга молиявий шароит яратиш берилади. Банк ва суғурта ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни эътиборга олиб, 1997 йил охиригача банкларни даромад солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва транспорт воситалари эгалари солиғидан озод этилган. Суғурта ташкилотларига эса даромадидан 35% фоиз солиқ тўлаш тартиби ўрнатилган.

Корхона, ташкилотлар даромадига солиқ солиш энг аввало давлатнинг молиявий сиёсатида боғлиқ. Агар давлат сиёсатида хазинани кўпайтириш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда корхоналар даромадларининг аксарият кўп қисми солиқлар орқали бюджетга тушиши мумкин. Ва, аксинча, давлат сиёсатида корхоналарнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятини рағбатлантириш кўзда тутилса, у ҳолда солиқлар ставкаси камайтирилади ва корхона, ташкилотлар ихтиёрида кўпроқ даромад қолади.

ЎЗ ВАҚТИДА БЮДЖЕТГА ТўЛАНМАГАН СОЛИҚЛАРГА АЙБОНА ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

Ўзбекистон Республикаси солиқ қончилигида биноан ҳар бир корхона, ташкилот ўз даромадидан бир ойда 2 марта (10 ва 25 саналарга), йилига 24 марта бўнак тўловлари тўлашлари лозим: ҳақиқий даромаддан 4 марта чораклар бўйича, 1 марта йиллик ҳисобот бўйича қайта ҳисоблашилади. 4 чоракли қайта ҳисоблашишдан тўлашга лозим сумма 5 кун ичида, йиллик қайта ҳисоблашишлар бўйича 10 кун ичида солиқ суммаси бюджетга тўланиши шарт. Акс ҳолда кўрсатилган муддатларда тўланмаган солиқ суммалари боқиманда деб аталиб, пайдо бўлган кундан бошлаб ҳар бир кунига 0,2 фоиздан айбона ҳисобланади.

Демак, корхонанинг солиқ ҳисоблаш бўйича жавобгар шахси ўта масъулиятли бўлиши ва белгиланган муддатларгача солиқ суммаларини бюджетга ўтказиб туришлари зарур. Акс ҳолда солиқ суммаси айбона ҳисобига кўпайиб, корхона даромадини камайтиради. Бюджетга солиқ тўланганда корхона ва ташкилотлардан аввало боқиманда ундирилади ва сўнг айбона ундириб олинади.

КОРХОНАЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚ ТўЛОВЧИЛАР ҚАНДАЙ ГУРУҲЛАРГА БўЛИНАДИ?

Корхона даромадига солиқ тўловчилар учун иккита муҳим шарт мавжуд:

1) улар ўзларининг ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан даромад (тушум) олган бўлишлари зарур.

2) улар мулк шаклидан қатъи назар ҳуқуқий шахс мақомини олган бўлишлари лозим.

Ҳуқуқий шахс мақоми ўзининг фаолият уставига эга бўлган, банкларда ҳисоб счёти ва мустақил бухгалтерия балансига эга бўлган корхона ташкилотларига берилади. Бундан ташқари, ўзининг мустақил устави бўлмас-ю, лекин корхоналарнинг филиаллари, цехлари ва бошқа шохобчалари бўлатуриб мустақил балансга эга бўлсалар ва банкда ҳисоб счёти очилган бўлса, у ҳолда улар ҳам солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар даромад солиғи бўйича 1996 йилдан бошлаб ўз фаолиятига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- * Савдо корхоналари;
- * Банклар;
- * Суғурта ташкилотлари;
- * Видеосалонлар;
- * Аукционлар;
- * Кўнгличар ўйинлар (казино);
- * Пул ютуқли ўйин автоматлари;
- * Лоторея ўйинлари;
- * Оммавий концерт-томоша ташкилотлари.

Савдо ташкилотлари 1996 йилда ҳам 1995 йилдаги сингари ялпи даромаддан даромадлилик даражасига қараб солиқ тўлашлари сақланиб қолинди. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (1998 йил 1 январь) бу борада қатор янгиликлар жорий этилди.

САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯЛПИ ДАРОМАДИГА СОЛИҚ ТўЛОВЧИЛАР ҚАНДАЙ ГУРУҲЛАНАДИ?

Мулкчилик шаклидан қатъи назар ўзининг мустақил баланси ва кредит муассасаларида ҳисоб-китоб счётига эга бўлган савдо корхоналари ялпи даромадга солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар. Бундай солиқ тўловчилар икки гуруҳга бўлинади:

- 1) савдо ташкилотлари;
 - 2) ижтимоий овқатланиш ташкилотлари.
- Агар корхоналар савдо ва ижтимоий овқатланиш фаолиятдан ташқари ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борсалар ҳамда хўжалик субъектлари учун савдо ва ишлаб чиқариш (аралаш) фаолияти қайд қилиш карточкаси бўйича асосий фаолият ҳисобланса, унда бундай корхоналар алоҳида ҳисоб юритиб ҳар бир фаолиятдан солиқ қончилиги бўйича алоҳида солиқлар тўлайди.

СОЛИҚҚА ТўРИЛАДИГАН БАЗА ВА ДАРОМАД ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Даромад солиғини ҳисоблаш учун даставвал солиққа тортиладиган база, ундан кейин солиққа тортиладиган даромад аниқланади. Буни қуйидаги формула билан ифодалаш ҳам мумкин:

$$СТБ = ЯД - (ТА + МХ)$$

Бу ерда:

СТБ - солиққа тортиладиган базани,

ЯД - ялпи даромадни,

ТА - тўловлар ва ажратмаларни ва

МХ - моддий ва унга тенглаштирилган харажатларни ифодалайди.

Солиққа тортиладиган базадан солиқ бўйича имтиёзни айириб ташланса, солиқ даромади ҳосил қилинади ва уни белгиланган солиқ ставкалари қўлланилиб, солиқ суммаси ҳисобланади. Солиқни ҳисоблашда ялпи даромаддан ажратиб ташланадиган мажбурий тўлов ва ажратмалар 14 гуруҳга бўлиниб кўрсатилган ва солиқ тўғрисидаги йўриқномада батафсил ёритилган. Уларнинг баъзиларини қайд этиш мумкин:

- * Қўшилган қиймат солиғи;
- * Акциз солиғи;
- * Мол-мулк солиғи;
- * Ер солиғи;
- * Транспорт солиғи;
- * Кондан фойдаланганлик солиғи;
- * Иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланган 40% ижтимоий суғурта ва бошқа фондларга ажратмалар;
- * Мажбурий суғурта тўловлари суммаси;
- * Банк кредитининг фойзалари (кечиктирилган ва муддати узайтирилганлардан ташқари);
- * Рента тўловлари;
- * Амортизация ажратмаси;
- * Ижара тўлови (молиявий лизинг);
- * Вакиллар учун ва реклама учун харажатлар кўрсатилган меъёрларда ва бошқалар;
- * Моддий ва унга тенглаштирилган харажатлар.

Суғурта ташкилотларида юқоридаги харажатлардан ташқари солиққа тортиладиган база суғурталаш ва қайта суғурталаш харажатлари суммасига суғурта ва резерв фондлари ажратмаларига белгиланган меъёрда суғурта ташкилотларининг суғурта ҳолатини оғохлантириш ва олдини олиш чора-тадбирлари харажатлари суммасига камайтирилади.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАРОМАДЛИК ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБЛАШ ЗАРУРИЯТИ НИМАДА?

Даромадлилик даражаси - бу савдо ташкилотлари ялпи даромадининг товар обороти тига нисбатан олинган ҳиссасини, савдо ташкилотлари солиғини ҳисоблашда бош мезон вази фасини бажаради. Уни аниқлаш услуби қуйидагича:

$$ДД = \frac{ЯД}{ТО} * 100$$

Бу ерда:

ДД - даромадлилик даражаси;

ЯД - олинган ялпи даромад;

ТО - товар обороти ҳажми.

Даромадлилик даражасидан ташқари савдо ташкилотларининг фаолият турлари ҳам солиқ ҳисоблашда ҳисобга олинади. Агар даромадлилик даражаси улгуржи савдода 17 фоизгача бўлса, у ҳолда:

- * Шаҳар жойларда жойлашган бўлса, 17 фоиз;
- * Қишлоқ жойларда жойлашган бўлса, 16 фоиз;
- * Узоқ ва тоғ жойларда бўлса, 14 фоиз миқдорда даромад солиғи тўлайдилар.

Даромадлилик даражаси шаҳар жойлардаги улгуржи савдода 17 фоиздан ошса, қишлоқ жойларда 16 фоиздан

ва узоқ ҳамда тоғ жойларда 14 фоиздан ошса, савдо ташкилотлари 50 фоиз миқдорда солиқ тўлайдилар (ошган қисмидан).

Солиқ ҳисоблашда савдо ташкилотларининг даромадлилик даражаси бош мезон бўлса ҳам уларнинг фаолият турлари ва жойлашган жойлари, бозор учун яқин ва қулайликлари ҳам эътиборга олинган.

Анъанавий савдо ташкилотлари фақат ялпи даромаддан даромад солиғи тўлайдилар. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини тўламайдилар.



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ФАЛСАФИЙ МАШИНАСИ

„ФАЛСАФИЙ МАШИНА“ - НИМА ЎЗИ?

Табиатнинг асрорларини очиб берувчи сирли калитни, фалсафий тошни топиш ҳамма замонларда ҳамма халқларнинг эзгу орзуси бўлиб келган.

Инсон тафаккури табиат ва жамиятда мавжуд барча воқеа-ҳодисаларни, улар ҳақидаги жами ахборотларни ўзида сақлаш қувватига эга эмас. Одам сонсиз-саноксиз воқеа-ҳодисаларнинг ўзагини, сабабини, содир бўлиш қонуниятларини ва ечими усулларини кашф этади ва уни ўзлаштириб олади.

Масалан, одам сувда пиширишга қўйилган тухумни пишдимикан, деб ҳар дақиқада олиб текширмайди, биламизки, у ўн-ўн беш дақиқа қайнагандан сўнггина пишади. Ёки муносиб қўйлак тикиш учун матони ҳадеб (қайта-қайта) қирқиб-тикиш кони зарар. Қўйлак тикиш учун одамнинг бўй-бастини, елка кенглиги, қўл узунлиги ва бел айланасини ўлчаш ва таъбга кўра кенглик қўшиб бичиб олиш зарур. Ва ёки пахта олмоқни истаган одам чигитни кузда эмас, баҳорда ерга қадайди ва ҳоказо.

Демак, кундалик ҳаётимиздаги минглаб хатти-ҳаракатларимиз аниқ бир ўлчов, усулга асосланади. Бу усул - йўл-йўриқлар эса миллионлаб кишиларнинг минг-минг йиллик тажрибаси йиғиндисидир. Мана шу йиғинди, яъни хулоса, ҳукм мантиқ, фаолият механизми, фалсафий машина каби ибораларнинг энг оддий кўринишидир. Бу калит кўпинча математик амаллар кўринишида воқе бўлади.

Тарихда сири ҳалигача ечилмаган „фалсафий машина“лар ва „сирли калит“лар жуда кўп. Масалан, Соломон калити деб номланган мантиқ мавжуд. У иероглиф белгилар ва рақамлар алифбосидан иборат. Бу алифбодаги ҳар бир ҳарф ва рақам ўзида умумий ва абсолют (барҳақ) ғояларни ифодалайди.

Ўн еттинчи асрда яшаган кимёгар Р.Люмий кашф этган „фалсафий машина“ концентрик (умумий марказга эга) доиралар ва уларга жойлаштирилган маълум сўзлардан иборат. Бу сўзлар турли дунё ғояларини ифодалаши билан характерли. Бу сўзлар қатнашувчи бирор савол тузиш учун улар ўзаро шундай жойлаштириладики, бу вақтда иккинчи доирадаги сўз ўша саволнинг айнан жавоби бўлиб туради.

Шоҳмот, домино, ўйин карталари, ўйин суяклари, алифбо, рақамлар, ҳисоб тизими каби буларнинг ҳаммаси ҳам инсоният ўз тарихида кашф этган кўҳна „фалсафий машина“лардир.

СИЗНИНГ „ФАЛСАФИЙ МАШИНА“НИНГ БЕЛГИСИ ҚАНДАЙ?

Иқтисодиёт назариясини ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳам ҳар бир ёш, айниқса бўлажак иқтисодчилар ўз „фалсафий машина“сини топмоғи жуда муҳим.

Бу - нима дегани? Бу - иқтисодиётга оид ҳар бир мавзунини ўрганишда шу мавзунини ўрганиш НИМА УЧУН ЗАРУРЛИГИНИ илғаб олиш муҳим. Шу нарса САБОҚНИНГ БОШ МАСАЛАСИ ҳисобланади.

Масалан, „Иқтисодиёт. Фан ва ҳўжалик“ мавзусидаги сабоқ (дарс)нинг бош масаласи куйидагини англаш: „Одам ўзи тушиб қолган ҳолатдан чиқиб кетиш учун ёки ўзини қурша-

ган муаммоларни тўғри ҳал қилиш учун қанақа қарорга келса тўғри бўлади?“

Иқтисодиётга оид ҳар бир масала, ҳар бир янги тушунчани бирор қисқа, аниқ белги билан ифодалашга ҳаракат қилинг. Сиз танланган белги бошқа ўртоқларингиз белгисидан, ҳатто муаллимнингиз ўргатган белгидан ҳам бошқача бўлиши мумкин. Бу сизни масала моҳиятини синтез қилишга, ижодий фикрлашга, фактларга танқидий муносабатда бўлишга ўргатади, шахсиятингиз шаклланишига олиб келади.

Ва ниҳоят, худди мана шу белги, яъни масалани белгилар ёки ҳарфлар воситасида ифодалашингиз, уни ҳал этиш йўллари турли шакллар, чизмалар тарзида ўқишингиз ва ечимини ҳам рамзлар воситасида англашингиз сизнинг мантиқий калитингиз бўлади.

Дейлик, сиз „Иқтисодиёт. Фан ва ҳўжалик“ мавзусини тушунмоқчисиз. Бунинг учун сиз аввало инсон ҳаётда беадад кўп ахборотлар ичида яшашини, шунинг учун ҳам у бирор масалада тўғри қарорга келишда қийналишига эътибор беринг. Одамнинг бу ҳолатини куйидагича белги билан ифодалашингиз мумкин.



Бинобарин, фан ташқи оламда мавжуд ахборотларни уч туркумга ажратган:

- а) фактлар ва воқеалар ҳақидаги ахборотлар;
- б) тушунча ва меъёр (миқдор) ҳақидаги ахборотлар;
- в) қонуниятлар ва башоратлар ҳақидаги ахборотлар.



Илм-фанда тушунтирилишича, бу ахборотлардан ҳам ҳар ким ҳар хил фойдаланади. Чунки одамлар иш жараёнида айнан бир хил ахборотдан турли мақсадда фойдаланадилар. Шунга кўра битта ахборот ҳам турлича роль ўйнайди. Масалан, одам факт ва воқеаларни кузатувчи сифатида бу факт ва воқеаларга олдиндан баҳо бериш ёки унинг йўналишини ўзгартиришга ҳақли эмас. Назарий сифатида эса одам бўлаётган Воқеа-Ҳодисаларнинг оқибатини ўйлашга, муҳокама юритишга мажбур. Амалиётчи сифатида эса одам назарияда тасдиқланган хулоса келиб чиқишини кутади.



Бу кенг жаҳонда ва мамлакатнинг мураккаб халқ ҳўжалигида мазкур вазифаларнинг ҳар бирини бажариш учун одамда махсус тайёргарлик ва маълумот (билим) бўлиши талаб этилади. Худди шу жойда иқтисодчилар назарий-фанний (тасвирловчи ва таҳлил қилувчилар)га ва бажарувчи (амалиётчи)ларга бўлинадилар.

ЎСМИРЛАР ҲАЁТДА ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ВА ЎРНИНИ ҚАЕРДА ДЕБ БИЛАРКИН?

Бир тенгдошингиз ўзининг ташқи олам билан муносабатини мана бундай боғла-нишда тасаввур қилибди:



Сиз-чи, азиз ёш иқтисодчилар? Атроф билан муносабатингизни сиз ҳам ўзингизча, ўзингизга хос белгилар, чизмалар билан ифодалаб кўринг.

Шу ерда биринчи дарсни тамомлаймиз.
 („ШЭЖ“ материаллари асосида тайёрланди.)



... Малика билан врач шахзода Чарльзнинг бувиси уйига етиб келишибди. Бувининг уйи ажойиб бир кўл яқинидаги хушманзара ўтлоқда экан. Кўлда гозлар, оққушлар сузиб юрарди.

- Вой, бунча чиройли жой экан! - деди завқланиб малика.
- Қанчалар соф ҳаво! Бу ерда яшаш қандай завқли.

У кичикроқ бир ҳовлига кириб, уйча эшигини тақиллатди.

- Кираверинг, эшик очик, - ичкаридан кампирнинг овози эшитилди.

Малика эшикни очди-ю, анграйиб қолди: уй шу қадар бесаранжом, ифлос эдики, малика хали умрида бунақангисини кўрмаганди. Ҳаммаёқ ағдартўнтар эди: бир тарафда ювқсиз идиш-товоклар тоғи, бурчакда кирлар уюми, мебелларнинг усти бир қарич чанг...

- Кел, келавер, малика қизим! - деди уни таниб буви. У каравотда ётар, кўринишидан жуда беҳол ва хаста эди. - Уйимиздаги тартибсизликлар учун жуда хижолатдаман. Нима қилай, ўзим қаттиқ касалман, набирам бўлса уй ишларини билмайди. Ўзи жуда яхши бола, лекин подшолардек тарбия топган, ўзиям шунга ўрганган, унинг учун ҳамма ишни хизматкорлар бажаришади. Менинг уйимда бўлса хизматкор йўқ, шунинг учун ҳам бизникида ҳамма уй-рўзғор ишларини Чарльз бажаришига тўғри келяпти. Кўриб турганингиздек, набирам бояқиш бу ишларни эплай олмаяпти. Ҳозир у озиқ-овқат харид қилиб келгани шахарга кетган, лекин бу ишни ҳам уддалаб келишига кўзим етмайди.

- Бечора бувижон! Бунақа шароитда одам тузалиб кетарканми?! Ахир тузалиш учун ҳаммаёқ озода бўлиши, сизга яхши парвариш зарур-ку?! Ҳа, майли энди. Биз сизларга ёрдам берамиз. Ҳозир мен ҳаммаёқни йиғиштириб супураман. Мен малика бўлсам ҳам унча-мунча юмушларни бажариш кўлимдан келади. Мен уларни бувимникига борган вақтларимда ўрганганман.

Малика бирпасда ҳаммаёқни саранжом-сарийшта қилиб қўйди. Буюмлар, рўзғор анжомлари - ҳаммаси жой-жойини топди. Қозондан кечки овқатнинг ширин ҳиди таралди. Кечкурун уйга қайтган шахзода меҳмонлар ишларидан жуда хурсанд бўлди.

- Малика, азизам! Мен маликалар шунчалик ораста уй бекаси бўлиши мумкинлигини сира билмас эканман. Агар сен келиб бизни кутқармасанг, бувим иккимиз ахлатга кўмилиб кетарканмиз. Дўст кулфатда билинади, деб шунга айтсалар керакда. Фақат сен мени ялқов, ирkit деб ўйлама. Мен ҳам бувим со-

УЙ-РЎЗҒОР БАРАКАСИ

(эртақ)



ғайиб кетиши учун яхши таомлар, мутлоқ озодалик зарурлигини яхши биламан. Лекин нима қилай, тозалик ва шинамлиқ дўконларда сотилмас экан. Шунинг учун уларни уйга олиб келолмаяпман. Озиқ-овқат масаласи ҳам қийин бўляпти: ошхоналардан сотиб олган шўрва уйимизга келтиргунимча совиб қолади, сут бўлса ачиб қоляпти. Нима қилишни билмаяпман. Ахир мен аввал уй юмушларини қандай бажаришни ўрганмаганман. Билмайман.

- Одам ўзига керакли кўп нарсаларни ўзи уддалаши керак. Ҳеч нарса кўлидан келмайдиган одам баъзан жуда оғир аҳволга тушиб қолиши ҳам мумкин. Лекин сен кўп хафа бўлма, - деб шахзодани юпатди малика. - Ўзим биладиган ҳамма нарсани сенга ҳам ўргатаман. Фақат айт-чи, нима учун кўйлақларингни ахлатга ташладинг?

- Уларни кийиб бўлмайди. Бирининг тугмалари узилган, бошқасининг ёқаси кир, учинчиси йиртилган. Тўғри, шунинг учун бувимга янги-янги мевалар сотиб олишга пулим етмайди. Бу жуда ёмон. Лекин иложим йўқ.

● *Болалар, шахзоданинг тутмиши тўғрими?*

Нега у кийимларини ташлаб юборди? Ахир тугмаларни қадаш, йиртиқни тикиш, кирни ювиш мумкин-ку! Иқтисод қилинган пулга бувисига янги-янги мевалар сотиб олиши мумкин-ку!

Ҳа, ҳар бир киши ўзи учун зарур унча мураккаб бўлмаган ишларни ўзи бажариши шарт. Ана шунда унинг ўзига ҳам, унинг яқинларига ҳам яшаш анча осон бўлади. Турмуши фаровон, ҳаёти завқли бўлади. Ахир у ўз эҳтиёжи учун зарур анча юмушларни пул сарфламай, ўз кучи билан бажаради-да! Бунақа меҳнат натижаси гаитли бўлади. Ҳам одам (дейлик, овқатни) ўзи хоҳлагандек пиширади ва ҳ.к.

● *Уйлаб кўринг ва жавоб беринг: биз ўзимиз учун ўзимиз нималар қилишга қодирмиз?*

Хизматкори йўқ ҳамма одамлар жамоат ишларида қатнашиш билан бирга, касб-ҳунар ишидан ташқари уй-хўжалик ишлари билан ҳам шуғулланадилар. Уй-

хўжалик ишларини бажарганлик учун пул тўланилмайди. Бироқ, масалан тоза ювиб, дазмолланган кийимни кийган, оҳорли чойшаб-филофда ухлаган, ораста уйда яйраб нафас олган, ширин овқатни еган оила аъзоларининг миннатдор нигоҳидан ортиқ бойлик, мукофот борми одамга? Уй юмушларини бажарганда биз сотиб ололмайдиган ёки сотиб олишни истамеган эҳтиёжларимизни қондираемиз. Бундан ташқари биз шу йўл билан ўзимиз ярата олмайдиган нарсаларни ва хизматларни сотиб олиш учун пулни иқтисод қилиб, уни жамғарамиз. Шу тариқа биз ўз эҳтиёжларимизни қондириш учун кўпроқ имконият яратамиз.

- Мен ҳамма ишларни хизматкор эмас, ўзим бажаришни истайман, лекин ҳеч бўлмапти, - деди шахзода зорланиб.

- Хоҳиш-истакнинг ўзи камлик қилади, - деди малика. - Ҳамма уй ишларини бажаришни бир йўла ўрганиб бўлмайди. Буни болаликдан бошлаб доим ҳар куни ўрганиб бориш зарур. Билмаган юмушларни катталардан сўраб ўрганиш керак. Яна катталар қайси ишни қанақа қилиб уддалаётганини ҳам кўзатиб бориш керак.

- Малика, азизам! Сени дунёдаги энг гўзал, энг яхши, энг оқила қиз деб ўйлардим. Энди билсам, сен энг уқувли қиз ҳам экансан. Сен, умуман, фавқулудда маликасан. Сен турмушга чиқишга розилик берадиган шахзода жудаям бахтли йигит бўлади. Мен бўлсам ҳаммиша шунчаки оддий шахзодалигимча қолсам керак. Сендақа ажойиб қайлигим бўлишини орзу қилишга ҳаққим ҳам йўқ!

Чарльзнинг гапларини эшитган малика жуда ҳам севинди. Демак, шахзода уни севаркан. Ахир малика шундай бўлишини қанча орзу қилганди. "Бу борада менга сеҳргар ёрдам бергани йўқ. Менга иқтисод ёрдам берди, - деб ўйлади малика. - Уқувлигим Чарльз муҳаббатига сазовор бўлишимга ёрдам берди!"

● *Болалар! Сизлар нима деб ўйлайсизлар? Бизнингча сизнинг орангизда шахзодага ўхшаш уқувсиз болалар бўлмаса керак. Ҳар бирингиз уйда нима биландир шуғулланасиз.*

● *Сиз қандай уй-хўжалик ишлари билан машғулсиз, болалар? Отангиз, опангиз-чи?! Сизларнинг оила аъзоларингиз нима учун томорқа, уй-хўжалик ишлари билан шуғулланади, деб ўйлайсиз?*

Шинам, ораста уйни сиз қандай тасаввур қиласиз?

"Шинам уй-хонадон" ёки "Бизнинг оила" мавзусида расм чизиб, бизга юборинг. Ёки шу мавзуда ҳикоя, мақола ёзинг. Хатларингизни кутамиз.



Ернинг андозаси бўлмиш глобусни ҳам-мангиз кўргансиз. Глобусда Ер шари қия ҳолда тасвирланади. Ернинг ўқи ҳақиқатан ҳам қия ва бу биз учун катта аҳамиятга эга. Фақат Ернинг ўқи глобус ёки велосипед ғилдирагига ўхшаш экан, деб ўйламанг. Ернинг ўқи тўғри чизиқдир, уни хаёлан Шимолий ва Жанубий қутблар ўртасидан ўтказиш мумкин.

Ернинг ўқи қиялиги туфайли ҳам биз яшаб турган жойда фасллар алмашади, ёз ўрнига куз, куз ўрнига қиш, қиш ўрнига баҳор ва баҳор ўрнига ёз келади.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун қуйидагича тажриба ўтказинг: битта глобус ва стол чироғи олинг. Унда Ерни глобус, стол чироғини эса Қуёш деб фарз қилинг. Агар сиз глобус ушлаган қўлингизни чироқ атрофида айлантсангиз қуёш Жанубий ва шимолий ярим шарларни бир хил ёритмаётганини кўрасиз. Шимолий ярим шарга кўпроқ ёруғлик тушганда, у ерда ёз, Жанубий ярим шарда қиш бўлади. Жанубий ярим шарда ёз бўлганда, Шимолий ярим шарда қиш бўлади.

Глобус ва чироқ тун ва кун алмашинувини тасаввур қилишингизда ҳам ёрдам



беради. Энди глобусдан ўзингиз яшайдиган жойни топинг-да, у ерга тўғноғични қадаб қўйинг. Глобусни чироқ атрофида айлан-тирганингизда, сиз яшаётган жойда гоҳ тун, гоҳ кундузи бўлганини кўрасиз 360 градус бурилиши бу Ернинг ўз ўқи атрофида тўлиқ бир марта айланиб чиқиши) учун 23 соат 56 минут 4,091 секунд вақт кетади.

Минг йиллар давомида Ернинг айланиш тезлиги ҳеч қачон ўзгармаган, доимийдир, деган қараш мавжуд эди. Аммо,

бир оз бўлса-да, оғиш, барибир, кузати-ган. Денгиз сувининг кўтарилиши билан боғлиқ ишқаланиш ва Ер қобиғида рўй бераётган ўзгаришлар натижасида кун ҳар юз йилда секунднинг мингдан бир улушига узайиб бормоқда. Олимлар бу ўта оз ўзгаришларни ҳам кузатиб, ўлчаб туришибди.

Ер, шунингдек Қуёш атрофида ҳам айланади. У ўз орбитасининг айрим нуқталарида бошқа сайёраларга нисбатан Қуёшга яқинроқ боради. Унинг Қуёшга энг яқин борган ҳолати "перигей", ундан энг узоқлашган ҳолати эса "апогей" деб аталади. Ер ҳам бошқа сайёралар каби маълум орбита бўйлаб Қуёшдан узоқ-яқинлигига боғлиқ тезлик билан ҳаракат қилади. Сайёралар Қуёшга яқин келганида тезроқ ҳаракат қилишади. Шундай қилиб, улар перигейда тезроқ, апогейда секинроқ айланишади. Ер билан Қуёш орасидаги масофа ҳар вақт ҳар хил бўлгани учун ҳам орбита тезлиги доимо ўзгариб туради.

Перигейда Ер ўз орбитаси бўйлаб секундига 30,2 километр, апогейда эса 29,7 километр тезлик билан ҳаракат қилади.

ЎРДАКЛАРНИ СУЗАЁТГАНДА НИМА ТУТИБ ТУРАДИ?

Биз "ўрдак" сўзи тилга олинганда, хонаки қушлардан тортиб то осмондаги ёввойи қушларгача ҳамма-ҳаммаси кўз олдимизда гадаланади. Ўрдаклар оиласи оққушларни, ғозларни, қрозалларни ёки балиқчи ўрдакларни ва бошқа турдаги ўрдакларни ўз ичига қамраб олади. Ёввойи ўрдакларнинг аксарияти Канада чегараларидан тортиб, дарахтлар жуда сийрак ўсадиган Узоқ Шимолгача бўлган ҳудудда яшайди. Улар фақат қиш мавсумида - мамлакатнинг марказий ва жанубий штатларига учиб келади. Аммо жанубда жуда қисқа муддат туради. Шимолда музлар эриши билан улар уйларига, суюқли масканлари - ҳавзалар, дарёлар, ботқоқликлар, қўллар ва денгиз соҳилларига қайтишади.


Ўрдакларга муздек сув писанд эмас. Сабаби уларнинг танаси сув ўтказмайдиган патлар билан қопланган. Думи атрофида жойлашган безлар ёғсимон суюқлик ажратиб чиқаради ва патларни ивйтиб туради. Уларнинг остида парларнинг қалин қатлами мавжуд. Ўрдакларнинг қанотсимон панжалари ҳам совуқ қишдан асрай олади, чунки уларда қон томирлари ҳам, асаб толалари ҳам йўқ, шу боис совуқни сезмайди.

Ўрдакларнинг панжаси танасининг остки қисмида ўрнашган, бу уларнинг моҳирлик билан сузишига имкон яратади, қуруқликда эса лапанглаб юрдиртиради. Ўрдаклар ҳавода тез учади ва қисқа муддат тўхтаб-тўхтаб, тезлигини 112 километр-соатга етказишлари мумкин!

Ўрдакларнинг аксарияти уяларини қирғоқларга қўяди. Майсалар тўшаб, кўкраги билан босиб эзади. Макиёнлари тухумини кўкраги билан иситиб ётади. У 6 тадан 14 тагача тухум қўяди ва ўзи босади.

Қушлар жуфтлашиш давридан кейин туллайди. Қанотларида пат ҳосил бўлгунга қадар улар уча олмайди. Мана шу вақтда ўзларини душманларидан сақлаш учун жуда осойишта тутадилар, ўзларига бошқаларнинг эътибори тушмасликка интилишади.

Антарктидадан бошқа ҳамма қитъаларда, дунё бўйича ўрдакларнинг 160 га яқин тури яшайди.



ЕР НИМАДАН ТАРКИБ ТОПГАН ?

Ер, асосан, қаттиқ тоғ жинсларидан таркиб топган улкан шар ёки сферадир. Ернинг ядроси ҳам қаттиқдир, чунки ички жинслар жуда катта босим остида туради.

Бунга батафсилроқ кўриб чиқайлик. Замоनावий космогоник тасаввурларга кўра, Ер бундан, тахминан 5 миллиард йил муқаддам бирламчи Қуёш системасидаги тарқоқ газ - чанг моддасидан пайдо бўлган. Ернинг гравитацион майдони таъсирида унинг геосфераси - ядро (марказда), мантия ер қобиғи, гидросфера, атмосфера - ташкил бўлди. Ер қобиғи, мантия ва ядронинг ички қисми қаттиқдир (ядронинг ташқи қисми суюқдир). Ер юзаси, яъни қобиқнинг қалинлиги 18-50 километр дур, у тоғ жинсларидан таркиб топган. У "литосфера" ҳам деб аталади. Қобиқнинг устки қисми қитъалардир. Ундаги чуқурликлар денгиз ва океанлар, қуруқлик ичкарисидagi денгиз ва қўллар суви билан тўлиб қолган. Ер юзасидаги барча сувлар "гидросфера" деб аталади.

Инсон шу вақтгача Ер қобиғининг фақат энг устки қисмини ўрганишга муваффақ бўлди, шунинг учун ҳам унинг ички қисми қандай эканини айтолмаймиз.

Қудуқ ва шахталар қазилганда, пастга энган сайин темпера-



Ер қобиғи икки қатламдан иборат. Қитъаларга асос бўлиб хизмат қиладиган устки қатлам гранитдан таркиб топган. Гранит қатлами остида "базальт" деб аталувчи ўта қаттиқ жинсдан иборат кенг қатлам бор. Олимларнинг фикрича, Ер марказида диаметри, тахминан, 6370 км бўлган улкан ядро жойлашган. Марказий ядро билан қобиқ ўртасидаги қалинлиги 3,5 минг км. га яқин бўлган "мантия" деб аталувчи қатлам жойлашган. Мантия таркибида қояларга ўхшаш "оливинлар" (сарғиш яшил ёки сариқ рангли минерал) деб аталувчи жинслар бор.

тура ҳам ортиб бориши маълум бўлди. Температура, тахминан, ҳар 40 метрда бир даража юқорилаб боради. Чуқурлик Ер юзасидан 3,5 км.га етганда, температура сувни қайнатадиган даражага кўтарилади.

Зилзилаларни тадқиқ қилиш олимларга Ернинг тузилишини ўрганишда қўл келди. Уларнинг фикрича, катта чуқурликда температура Ер қобиғидагига ўхшаш тез кўтарилиб бормайди. Шунинг учун ҳам улар Ернинг ядросидаги иссиқлик Цельсий шкаласи бўйича 5000-6000 даражадан ошмайди, деб ҳисоблашади. Бу жуда баланд температура эканлиги шубҳасиз, чунки Цельсий шкаласи бўйича 1200 даража иссиқликда тоғ жинслари эриб кетади.

ЭНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗ ҚАЙСИ?

Бирор марта осмондан энг ёрқин юлдузни топишга уриниб кўрганмисиз?


Осмондаги юлдузлар кўзингизга сон-саноксиздай кўринган бўлса ажаб эмас. Лекин телескопсиз 6000га яқин юлдузни кўриш мумкин, улардан 1500 таси Жанубий ярим шар устида бўлиб, Шимолий ярим шардан кўринмайди.

Бундан 2000 йил олдиноқ юнон мунажжимлари юлдузларни ёрқинлигига қараб катталиққа ва синфларга ажратишган. Телескоп пайдо бўлишидан олдин юлдузларнинг олти катталиги ёки синфи мавжуд эди. Биринчи катталиқдаги юлдузлар энг ёрқинлари, олтинчи катталиқдагилари эса энг хиралари эди.

Олтинчи катталиқдаги юлдузлардан кичикларини телескопсиз кўриб бўлмайди. Бугунги кунда замонавий телескоплар 21-катталиқдаги юлдузни ҳам суратга олиш имконини беради.

Бир катталиқдаги юлдузнинг ёрқинлиги ундан олдинги катталиқдаги юлдуз ёрқинлигидан 2,5 баробар камдир. Биринчи катталиқдаги юлдузлар сони 22 тадир, улардан энг ёрқини Сириус бўлиб, у 1,5 катталиққа эга. Ушбу юлдуз оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган энг кичик юлдуздан 1000 мартадан ошиқроқ даражада ёрқиндир.


Юлдузларнинг катталиги ёки синфи қанчалик паст бўлгани сари уларнинг миқдори шунчалик



кўпдир. Агар биринчи катталиқдаги юлдузлар сони бор-йўғи 22 та бўлса, 20-катталиқдаги юлдузлар сони миллиардга яқин.

"БАЙРАМ" КЕКСИ

- 50 гр. хамиртуруш,
- 350 гр. илиқ сут,
- 700 гр. олий навли сут,
- ярим чой қошиқ туз,
- 2 та тухум,
- 2 чой қошиқ шакар,
- 2 та лимон цедраси,
- 140 гр. сарийё,
- 50 гр. майдаланган апельсин пўстлоғи,
- 170 гр. майиз,
- 120 гр. шакарга ботирилган олча (компотники бўлса ҳам)
- 120 гр. ёнғоқ (майдаланган)
- 3-4 қошиқ коньяк ёки узум виноси
- 10 порцияга мўлжалланган.



Хамиртурушни илиқ сут ва шакар билан яхшилаб аралаштиринг. 15 минутга иссиқ жойга қўйинг, озгина кўтарилсин. Унга ун билан тузни аралаштиринг. 75 гр. сарийё ва лимон цедраси қўйинг. Тоғорачага олча, майиз, майда тўғралган апельсин, лимон, мандарин пўстлоғи билан аралаштиринг. Устига коньяк ёки вино қўйинг. Аралашмани ун, кўпиртирилган тухум, шакар, озгина ошган хамиртуруш билан бирга яхшилаб аралаштиринг.

Ун сепилган тахта устида хамир қоринг. Хамир юмшоқ, майин, қўлга ёпишмайдиган бўлиши керак. Хамирни тоғорачага солиб, юзасига озгина сарийё суртиб, полиэтилен плёнка ёпиб 2-3 соатга ошиши учун яхшилаб ўраб қўйинг.

Хамир кўтарилганда уни яна муштлаб, қайта оширинг. Кекс пиширилдиган махсус формани ёлганг. Хамирни формага жойлаб, четларини сувлаб бирлаштиринг.

Форма устини ёпиб, яна 45 минут иссиқ жойда сақланг. Яна яхши ошинг. Духовкани 170 °C қиздириб, 45 минут давомида қизаргунича пиширинг. Духовкадан олинг. 10 минут совусин. Сўнгра тайёр кексни формадан ажратиб олинг. Шакарли глазурь қўйиб безатинг.



КАЛАМЧА

Қатнашувчилар: Диловар, Гулноза, Дилноза - 8-12 ёшли опа-сингиллар ва уларнинг ўртоғи Малика.

Саҳна: Шаҳар четидаги мевазор боғ. Воқеа 2-3 та дарахт остида бўлиб ўтади.

Саҳнага қўлларида олма, бодринг, помидор тўлатилган тўрхалта, сумкалар кўтариб олган уч-тўрт қизалоқ кириб келишади.

Гулноза: - Уф, чарчадим. Йўлимиз бунча чўзилиб кетди-я. Холамининг уйларида хали дарак йўқ.

Дилноза (орқасига ўгирилиб қараб, қўлини пешонасига соябон қилади)

- Холамининг соғиниб роса чопибмиз-ку! Қаранглар, ойижонимиз жуда орқада қолиб кетибдилар.

Диловар: - Э, рост! Келинлар, шу ерда ўтириб ойижонимиз этиб келишини кутайлик. Ҳам дам оламиз.

Малика: - Бўпти! Фақат қайга ўтираемиз? Ҳаммаёқ ифлос, ахлат, шох-шабба-ку!

Ҳамма: - Нима қипти? Ифлос бўлса, тозалаб ўтираемиз. Қизбола номимиз бор.

Қизларнинг бири нарироққа бориб, тол новдаларидан бир тутам олиб келиб ерни супура бошлайди. Бири ерда сочилиб ётган газета парчалари, консерва банкалари каби "саёҳатчи"лардан қолган "эсдалик"ларни териб йиғиштира бошлайдилар.

Гулноза: - Биз боққа эмас, босқинчилар вайрон қилган жойга келиб қолибмиз, шекилли?!

Дилноза: - Менимча, ўша "босқинчи"лар қўл-оёғи йўқ одамлар бўлса керак.

Диловар: - Опа қизиқсиз-а? Ахир бу ердан одамлар эмас, ҳайвонлар ўтганга ўхшайди-ку! Ахир одам оёғи етган чўл-сахроларда ҳам гуллар унади. Бу ерда бўлса... (елка қисиб, қўлларини ёзиб атрофга аланглайди).

Малика: - Ҳа-я! Мана бу дарахтларнинг роса талашибди. Қайси бири қанақа дарахт эканини ҳам билиб бўлмайди. Ҳаммасининг меваларини сидириб кетишибди.

Бу гапларни айтаётиб қизлар саҳна юзини супуриб-сидириб бўлишади. Шох-шаббалар, ахлат ва газета парчаларини бир ерга тўплашади. Диловар сумкадан гугурт олиб, уларга ўт кўймоқчи бўлади.

Дилноза: - Диловар, тўхта! Ахир ахлатни ёқиб бўлмайди-ку! Ойижонимнинг гаплари эсингдан чиқди-ми? Ҳазонлар, газеталардан чиққан аччиқ тутун заҳарли. У осмонда атмосферани ўраб турган озон қатламини тешиб юборади. Ҳамма жойда ҳазонларни ёқиб, тутатаётганлари учун ўша озон қатламиндан дарча очилиб қолган. Шунинг учун ерда иқлим ўзгариб кетяпти экан. Қишда - иссиқ, баҳорда совуқ. Мана ёзда ҳам ҳар кунни ёмғир, ҳар кунни дўл ёғяпти!

Гулноза: - Ол-а! Жа оширвординг. Бир замбил ахлатдан чиққан тутун ўша атмосфера қобигига (осмони фалакка қараб имо қилади) қачон этиб боради-ю, қачон уни

ўйиб кўяди...

Малика: - Атмосфера қобиги озонни Ернинг сунъий йўлдошлари, реактив ракеталар, космик кемалар парчаланапти, билсанг....

Дилноза: - Шунақалиги рост. Аммо лекин ҳар ким ўзининг қўлидан келадиган ишни қилиши керак. Ракеталарни учиртирмаслик бизнинг ихтиёримизда эмас. Лекин дунёдаги ҳар бир бола бир кунда бир марта заҳарли тутун чиқишининг олдини олса, биласизларми биз қанча катта иш қилган бўламиз?

Гулноза: - Дилноза, тўғри айтсан. Унда мана шу ахлат ёнида ўтираверайликми?



Дилноза: - Йўқ. Яхшиси, кўмиб кўямиз. Барглар, шох-шаббалар чириб ерга ўғит бўлади.

Диловар: - Хўп, хўп, дедиг-у! Ахлатни йўқотишни менга кўйиб беринглар. Сизлар ана бу мен солиб кўйган одеялода ўтириб бир пас дам олсаларинг бўларди.

Малика: - Осмондаги озонни асраб, ўзимизни касал қиламизми? Йўқ. Ўтириш шарт эмас.

Ҳамма: - Нима учун? Бир оз дам олсак мушакларимиз бўшашиб жиндек ҳордиқ олади.

Малика: - Ўтирмаларинг, дедимми - ўтирма. Ўзингдан катта бир нарса деса, амал қилсаларинг бир еринг камайиб қоладими?

Ҳамма: - Биз ҳар битта гапнинг тагига етишни хоҳлаймиз. Ўтирмаслик кераклигини сабабини айтиб бер.

Малика: - Ўзбекчани тушунмайдиган чулчутмисизлар, билмадим. Кўрмаяпсанларми, ахир кечаси ёмғир ёққан. Ер жудаям зах-ку! (У ерни теппиб кўрсатади). Эшитмаганмисизлар, қизбола семонга, зах ерга ўтирса бебахт бўлиб қолармиш...

Ҳамма (баравар бир-бирига маъноли қарашади ва бош ирғаб Маликага таъзим қилишади).

Гулноза: - Бу бошқа гап. Мана, ўтирмаймиз. Ҳали ҳозир ойижонимиз ҳам этиб келадилар. Унгача серрайиб тураверамизми?

Дилноза: - Нега серрайиб турарканмиз. Олиб келаятган нарсаларимиздан еймиз. Мана бу дарахтлар, меваларга атаб шеърлар тўқиймиз.

Ҳамма: - Жуда яхши. Бошладикми?

(Бараварига) - Бошладик.

Гулноза: - Топишмоқ айтаман, топинглар:

Ҳиди хушбўй, ранг-баранг. Дугоналар, бир қаранг.

Офтоб чиқса, уйғонар, Камалакдай товланар.

Дилноза: - Атиргул! Тўғримми?

Гулноза: - Топдинг.

Диловар: - Тўғри-ю, лекин...

Гулноза: - Нимаси "лекин"?

Диловар: - Олдин ёзган топишмоқни айтиш йўқ. Ҳозир мана шу ерда бор мевалар ҳақида шеърини топишмоқ тўқийш шарт.

Гулноза: - Шартинг - шарт. Унда эшитинглар (Гулноза сумкасидан 2 та олма олиб унга қараб шеър тўқийди)

Юзи қизил - сариқдир,

Шакли эса юмалоқ

Ёзда, кузда пишади.

Бу - нима? Топ-чи ўртоқ?!

Дилноза (икки қулочини ёзиб, ёш артистларга тақлидан эртаклари учини қўлларида кериб таъзим қилади-да, ўз шеърини ўқийди):

- Пўстим қалин тарвузман,

Русчасига арбузман.

Беқасам тўн кийганман,

Селитрага тўйганман.

(Ҳамма баравар "воҳ-воҳ"лаб бирдан афтларини буриштириб, қоринларини чангаллашади. Диловар ўзини қайт қилганга солади).

Гулноза: (Ўртоқларининг бу қилигидан жаҳли чиқади. Ҳар бирининг ёнига бориб, гўё қорнини тузатиб кўймоқчидек ҳаракатлар қилади ва дейди):

- Бўлди-да! Намунча энди. Ёлғон айтдимми? Қайси тарвузни сўйсак, ичи тўла оппоқ ип. Ҳаммаси селитрали. Еганда, кулмайсизлар! Еб касал бўлганда тарвузни итқитмайсизлар. Менинг тарвуз ҳақидаги шеъримни масхаралайсизлар...

Дилноза: - Бўлди. Бўлди, опа. Ҳафа бўлманг. Биз селитрали тарвуздан шунақанги тўйиб кетганмизки, нимани эшитсак ҳам қорнимиз оғрийдиган бўлиб кетган. Бошқа мева, сабзавотларгаям селитра солишаркан. Укропгаям, кашничгаям, памилдори, бақлажонгаям. Ҳатто сабзи-пиёзнинг ҳам ярми селитра бўларкан.

Диловар: - Ҳа, шунақа. Яқинда бир китобда ўқидим: агар селитра солинмаса, ошқўқлар 15-20 кун, сабзи-памилдорилар бир ой, бир ой диркиллаб, яшнаб тураркан. Биз бозорчадан сотиб олаётган кашничлар уч кундаёқ ириб, сабзилар 4-5 кунда чириб кетяпти.

Малика: - Уларни есак, вужудимиздаги тўқималарниям шунақа тез ишдан чиқарса керак-а?

Диловар: - Ичимизни чиритмасаям, ҳар қалай, заҳарлаши аниқ.

Ҳамма: - Унда нима қилиш керак?

Гулноза: - Буни деҳқонлар биледи. Улар экологияни, одамлар саломатлигини асраш учун нималар қилишаётганини холаминикига - қишлоққа борганда ўз кўзимиз билан кўраемиз.

Дилноза: - Жуда тўғри. Шунақа қилаемиз. Вой, ана, ойижонимиз ҳам келаяптилар. Кетдикми?

Ҳамма: - Кетдик.

Малика: - Сизлар юриб турунлар. Мен - ҳозир... (у шошиб дарахт танаси ёнига боради-да, сумкасидан пичоқ олиб бир нима ёзмоқчи бўлади).

Диловар: - Малика дарахт танасига ўйиб ўз номини ёзиб қолдирмоқчи...

(Шу пайт Маликанинг "вой, вой кўзим!" деган овози эшитилади. Ҳамма Маликани ўраб олади).

Малика: - Мен дарахтга эсдалик қолдирмоқчи эдим, аксинча, дарахт шоҳи юзимни тирнаб менга эсдалик қолдирди. Кечир мени, дарахтжон. Мени кечир.

Ҳамма баравар: Бизни кечир, дарахтжон, бизни кечир боғ.

Ҳамма "Ана, ойижонимиз келаяптир, ойижон!" деб чопқиллаб саҳнани тарк этишади.

Саҳнавий кўриниш муаллифлари:

Собир Раҳимов тумани кўшимча таълим мажмуининг "Хулкар" тўғараги аъзолари.

Гулноза МУСАЖОНОВА,

Дилноза МУСАЖОНОВА,

Малика АЗИМОВА.

Нашрга тайёрловчи:

Маъмура АЗИМОВА.



БУГУНГИ ЭНГ БОЙ ОДАМЛАР

АҚШда чиқадиган "Форбс" журнали сайёраимиздаги энг бадавлат кишиларнинг рўйхатини эълон қилди. Бу гал ҳам АҚШдаги "Майкрософт" компанияси асосчиси Билл Гейтс дунёдаги энг бадавлат киши деб тан олинди. Унинг тасарруфидаги мол-мулк 51 миллиард доллардан ортиқ экан.

Иккинчи ўринни эса "Уол-Март" савдо тармоқлари асосчисининг меросхўрлари олди: уларнинг бойлиги Билл Гейтс мол-мулкидан атиги 3 миллиард АҚШ доллари миқдорида кам экан, холос.

Учинчи ўринда турган Уоррен Баффет ҳам - америкалик. У молияда ишлайди. Баффетнинг бойлиги ҳозирги кунда 33 миллиард доллардан ортиқроқ экани маълум бўлди.



Суратда: Билл Гейте.


ЁЗГИ ТАЪТИЛ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Тайван соғлиқни сақлаш бошқармасининг таклифи билан мамлакатда ўқувчиларнинг ёзги таътили вақтинча тўхтатиб қўйилди.


Чунки мамлакатда тарқалган янги касаллик оқибатида, қисқа вақт ичида 5 ёшгача бўлган 50 дан ортиқ бола нобуд бўлган. Маҳаллий шифокорлар бу янги касаллик турини аниқлаб; унга қарши курашишда ёрдам сўраб америкалик мутахассисларга мурожаат қилган эдилар. АҚШ шифокорлари касаллик турини аниқлашди: у "Энтеровирус-71" экани маълум бўлди. Лекин ҳозирча унинг давоси топилганича йўқ.

"СИГИР" ДАРАХТ

Жанубий Америкадаги Амазонка дарёси ҳавзасида "сигир" дарахт ўсади. Унга жиндек тиг текизсангиз бас - дарахтдан куюқ оқ суоқлик сачрайди. Бу шарбатнинг мазаси ҳам, унинг биологик таркиби ҳам сигир сутига жуда ўхшайди.



ҒАРОВ - БАМБУК



Бу ўсимликнинг янги ўсиб чиқётган "ниш"ини, ўсиб етилган сарви-қомат танасини ва ундан ишланган маҳсулотларни кўрган кишигина унинг ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Ғаровнинг фандаги номи - бамбук.

Ғаров - дарахтга ўхшаш, лекин бошоқли ўсимлик; уни дарахт деб бўлмайди, унинг табиати бутунлай бошқача. Бамбук ҳаддан ташқари тез - кун сайин эмас, соат сайин ўсади, қулай шароитда бир кунда ярим метрдан ортиқроқ ўсиши мумкин. Унинг бўйи 40 метрга, танасининг йўғонлиги 80 сантиметрга боради. Ёш бамбук беш-олти ҳафта ичида 18 метр ўсиши мумкин. Унинг танаси текис ва тўғри бўлади.

Ғаровнинг ватани - Жануби-шарқий Осиё. Ғаров Малайя архипелагида айниқса кўп тарқалган. Хитой, Япония ва Шимолий Ҳиндистонда ғаровнинг 40 дан ортиқ тури мавжуд. Ғаров Африка, Америка ва Австралияда ҳам ўсади. Европага бу ўсимлик анча кейин келтирилган. Ғаровларнинг тропик ўлкаларда ўсадиган айрим турлари 100 йилда бир марта гуллайди ва ҳосил берганидан кейин қуриб қолади. Унинг ҳар йили гуллайдиган, аммо гуллаганидан кейин қуримайдиган турлари ҳам бор. Ғаров 30-45 кун мобайнида жадал ўсиб қаддини ростлаб олгач, ўсиши сусаяди.

Ғаровзорлардаги барча ўсимлик тупларининг баландлиги одатда бир хил бўлади. Ғаровларнинг илдизларида жуда кўп миқдорда озик моддалар тўпланади. Бу ўсимлик, асосан, илдизининг ён томонидан шохлаб кўпаяди. Ғаровларнинг танаси - пояси ҳар хил бўлади. Масалан, Хитойда ўсадиган ғаровлар

орасида мадаке деган тури бор. Унинг танаси яшил бўлиб, бўйи 15-18 метргача боради ва бўғимлари бўртиб туради. Паст бўйли қора ғаров ҳам диққатга сазовордир. Қора ғаров танаси 5-7 метрдан баланд эмас; унинг бўғим оралиқлари бир-бирига жуда яқин бўлганлигидан дурадгорлик учун энг қимматли хом ашё ҳисобланади. Қора ғаров гуллаганидан кейин қуриб қолмайди.

Ғаров пишиқ ва енгил бўлганлигидан ундан уйлар, кўшқлар, шийпонлар, кўприклар, ҳар хил мебеллар ясалади. У водопровод қувурлари ва телеграф сим ёғочлари учун ҳам жуда боп. Ғаровдан, булардан ташқари, соябон, елпигич, элак, шляпа, турли саватлар, қутилар ва ҳар хил мусиқа асбоблари ясалади, қипиқларидан пресслаб палослар тайёрланади, танасининг устки қатламидан пичоқ ва қайроқ, толали пўстлогидан эса ипак қоғоз ишланади. Ғаров бўғинларида тўпланиб қолган моддадан чинни саноатида фойдаланилади, сулига ўхшаш донидан нон пиширилади, сарсабил мазасини эслатувчи новдалари ҳар хил овқатга ишлатилади. Ғаровни қайнатиб ёки сариёғда қовуриб ҳар хил шўрвалар, қайлалар пишириш, қуриштиб ёки консервалаб қишга олиб қўйиш мумкин. Ғаров барги аралаштириб пиширилган жўжа гўшти жуда мазали бўлади.

Ғаровнинг бошқа хусусиятлари ҳам бор. Халқда "тирноғинга ғаров югуртираман" деган ибора бор. Бундай дейилиши бежиз эмас. Ғаровнинг эндигина ниш уриб, кўкариб чиққан ниҳоллари жуда учли - (ўткир) бўлади. Шарқда ўз халқига ҳурматсизлик билан қараган киши, отасининг юзига оёқ тираган ўғил, умр йўлдошига хиёнат қилган аёл оғир жиноят қилган ҳисобланади. Бундай жиноятчини қўл-оёғини боғлаб, ниш уриб келлаётган ғаровзорга ташлаганлар, ниш урган ғаровнинг найзадек учлари дақиқа сайин ўсиб, жиноятчининг баданига ботиб, уни тилка-пора қилган.

Батуми ботаника боғига ғаров XIX асрнинг охирида Ҳиндистондан келтирилган. Батуми шаҳрида ғаровдан бунёд этилган антиқа кўшқлар, суҳбат айвонлари бор.

О.МУМИНОВ.

Жумбоқ

МУРДАЛАР САФ ТОРТИБ КЎЛГА КЕТИШДИ

Самарқанд телевидениесининг "Даракчи" газетаси яқинда ғалати хабарни эълон қилди:

Австралиянинг Брук шаҳри яқинидаги бир қишлоқда кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди. Қишлоқнинг шарқий ҳудудида кўл, ғарбий қисмида эса қабристон бор. Кунларнинг бирида кўлга осмондан улкан шар тушди. Кўплаб кишиларнинг гувоҳлик беришича, кўлга шар тушган вақтдан 15 дақиқа кейин қабристондаги гўрлар бўм-бўш бўлиб қолган ва 200 тача мурда саф тортиб қишлоқ кўчасидан юриб, кўл томонга қараб кетишган. Жасадлар оёғини зўрға судраб боришарди. Уларнинг кўринишлари ҳам даҳшатли эди - гавдаларининг ҳаммаси ҳар хил бутунлиқда, эгнидаги кийимлари ҳам узук-юлуқ, парча-пурча эди.

Мурдалар уларни кузатиб турган ва даҳшатда қотган тирик ҳамқишлоқларига қарамай, чурқ этмай ўтиб боришди.

Ниҳоят, мурдалар сафи кўлга етиб борди ва кўл суви остига шўнғиб кетди. Эртасига махсус комиссия бориб қабристонни текширди ва гўрлар чиндан ҳам бўшаб қолганлиги аниқланди. Комиссия таркибида врачлар, полициячилар ва бошқа расмий ташкилотлар вакиллари бор эди.


Бу воқеани шарҳлаб беришга ҳозирча дунё фани ожиз. Ҳа, ҳали сизу биз ечишимизни кутаётган жумбоқлар кўп бу дунёда!

СОДИҚ ДЎСТ

Боб исмли вафодор ит ҳақида кўпчилик эшитган бўлса керак. У Жон Грей исмли инглиз киши билан ажралмас дўст бўлган. Жон Грей вафот этади. Шунда кучуги ҳаммадан кўп азият чекиб, маъюсланиб қолади. Дафн маросимидан кейин ҳамма уй-уйига тарқалади. У эса... 14 йил дўсти қабри ёнида яшайди. Болалар унга овқат ва сув бериб турадилар. Иссиғу-совуқ демай садоқатига содиқ қолган Бобни аёзли январь кунларининг бирида қабр устида музлаб қолган ҳолда топишади. Уни эгаси ёнига дафн этишади. Бу воқеадан таъсирланган бойвачча Боб учун махсус нишон зарб эттирган. Орадан 120 йил ўтгач, Эдинбург аҳолиси жониворнинг вафодорлиги учун ҳайкал ўрнатади.




Инсоннинг энг содиқ дўсти - итлар бугунги кунда кўп вази-фаларни бажармоқдалар. Улар чегарадан яширинча ўтказмоқчи бўлинган наркотик молларни искаб топадилар. Бу касбни эгаллаш учун итлар махсус мактабда 9 ой "ўқитилади". Кейин эса "ишга жойлашадилар".



АЖАБТОВУР R

Ушбу лабиринт бўйлаб, барча еттита нуқтани бир чизиқ билан бирлаштириб чиқинг. Икки марта бир йўлакдан ўтиш мумкин эмас. Йўлнинг боши ва охири боши берк йўлакда жойлашган нуқталардир.




ЎЙИН КУБИКЛАРИ

Юқоридаги исталган ҳарфдан пастдаги исталган ҳарфга йўл солинг. Бунда тўртта рақамни бирдай кетма-кетликда қўйинг (масалан: 2-4-1-3; 2-4-1-3 ва ҳ.к.). Горизонтал бўйлаб ҳам, вертикал бўйлаб ҳам ҳаракатланиш мумкин. Битта кубикка икки марта кириш мумкин эмас.

“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ ҚЎЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:


700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона.

Мулукот учун телефон:
(371) 139-49-32, 139-16-19.
Факс: (371) 139-48-23.



ЮЛДУЗЛИ БАЙРОҚ


Америка байроғини эслатувчи ушбу 48 байроқчадан 24 таси периметр бўйлаб, 24 таси эса ички қисмда жойлашган. Ушбу қонуният такрорланиши учун нечта юлдузча қўйиши ва уларни қайта жойлаштириши лозим.



ҚУВУРЧАЛИ ТОПШИРИҚЛАР


Барча 18 колбани 10 дан ташқари барча 1 дан 19 гача бўлган рақам билан белгилаб чиқинг. Бунда қўйидаги шартларга риоя этишингиз лозим:

- 1) қувурча билан бирлаштирилган ҳар бир жуфтнинг миқдори 20ни ташкил этиши лозим;
- 2) периметрдаги ҳар бир учликнинг миқдори 30 бўлиши керак.



ЧАҚНОҚ ЮЛДУЗЧАЛАР





Ушбу лабиринтда тўққизта юлдузча чақнаб турибди. Боши берк йўлакда жойлашган юлдузчадан йўлга чиқиб, узлуксиз чизиқ билан қолган барча юлдузчаларни бирлаштириб чиқинг. Бир йўлакчага икки марта кириш мумкин эмас.



КАЛИТЛИ ТОПИШМОҚ

Ушбу лабиринтдаги барча йўлакчалар рақамланган калитлар билан бекитиб қўйилган. Сизнинг вазифангиз учта калитни танлаб, бир бурчакдаги қуёшдан иккинчи қуёшгача тушишга имкон берувчи йўлакларни очинг.

50-51 СОНЛАРНИНГ
«ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ»
САҲИФАСИДА ЭЪЛОН
ҚИЛИНГАН
БОШҚОТИРМАЛАР
ЖАВОБИ



ИЛК КАШИФИЁТЛАР, ИЛК КАШИФИЁТЛАР, ИЛК КАШИФИЁТЛАР

Азиз болалар, гарчи таътил пайти бўлса-да, редакциямизга тенгдошларингиздан хатлар узлуксиз келиб турибди. Мактубларда ҳаётни кузатишлар, воқеаларга муносабатлар, шунингдек, кийиниш маданияти ҳақидаги тасаввурлар

ўз аксини тонган. Биз ўша мактубларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола этарканмиз, Сиз ҳам муносабатларингиз, қарашларингиз кашифиётини бизга ёзиб юборинг, — деймиз.

«КУМУШГА ЎХШАТДИМ»

Мен Бухоро шаҳрида яшайман. Бобомлар эса қишлоқда яшайдилар. Таътил бошланди дегунча, қишлоққа бориб, маза қилиб дам олиб қайтаман. Бобомларнинг уриқзор боғларига кириб, уриқхурлик қиламан. Боғнинг ичидаги қандак уриқ дарахти жуда ҳам катта, меваси ҳам ширин.

Яқинда шу дарахтнинг устига чиқиб, уриқ еб утирсам, бобомларнинг деворлари устидан ошиб, боққа тушаётган қизчага кузим тушди. Мен индамай кузатиб утирдим. Ҳалиги қиз мен чиққан дарахтнинг ёнидаги дарахтга шунақа тез, шунақа эпчиллик билан чиқдики, ҳайрон қолдим.

Менинг қушни дарахт тепасида утирганимдан хабари йуқ угри қизча дарров бошидаги румолини ечиб, буйнига халтадай қилиб боғлади-да пишган уриқларни тез-тез териб, ушанинг ичига солаверди. Жим утириш жонимга тегди-да унга «нега бировларнинг боғига угриликка тушасан?» — дедим, жадл қилгандай, Угри қиз овоз қасрдан келаётганини аланглаб излади-да, менга кузи тушгач, тап тортмай: Узинг кимсан? — деди.

«Мен боғ эгасининг неварасиман» — дедим фахрланиб. Икки дарахт устида турганча, иккимиз узоқ суҳбатлашдик. У қизнинг исми Зулфия экан.

Ҳар куни сигир бокишга чиқишдан олдин уриқ териб, нон, сув олиб борар экан. Узларининг уриқлари туггани учун бизнинг боққа тушган экан. Зулфиянинг қорачадан келган юзлари жуда ҳам чиройли эди. Қоши билан кузи ҳам қоп-қора экан. Менга Зулфия жуда ёқиб қолди. Чунки у жуда ҳам кўркмас ва тўғри сўз қиз экан. У билан шунақанги берилиб гаплашибмизки, унинг уриқка угриликка тушганини ҳам эсимдан чиқариб юборишман.

Фақат Зулфия негадир узига қарашни билмас экан. Унинг тирноқлари, қули кир, сочлари таралмаган, шундай пахмоқи, ҳеч қачон ювинмаганга ўхшайди. Кийимлари ҳам қишлоқнинг чанг, лойларига беланиб ранги қанақалити билинмасди. Мен уни кузатар эканман, куз олдимга синфдошим Гузал келди, у жуда ҳам озода қиз, хатто партасидан ҳам ширин атирининг ҳиди келади. Кийинишни ҳам бошлади. Аммо дарсда кимнидир ўқитувчимизга чақмаса кўнгли тўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, синфдошларим уни ёқтиришмайди, унга «Потма чумчуқ» деб лақаб қўйишган. Кейин Гузал узининг ҳамма айбларини яширишга ҳаракат қилиб, нуқул узини билагон ҳисоблайди.

Зулфия қўллари, усти боши кир бўлса ҳам, кўнгли тоза қиз экан. Ростини айтаркан-қўяркан. У менинг шаҳарлик эканлигимни билгач, юр, сигиримни курсатаман, — деди ва яна сигирдан кўркмайсанми?», — дея ҳазиллашди. У девордан эпчиллик билан ошиб утди, мен эса сирпаниб ошдим. Зулфия мени дарахтлар остига, соялаб боғлаб қўйган икки сигирнинг ёнига бошлаб келди. Уларни эркалаб баданларига шапатилаб ҳам қўйди. Ва яна ўша қўллари билан бобомнинг боғидан угирлаган уриқларини ея бошлади. «Уриқларни ювмасдан ема, қулингни ҳам ювмадинг», «Касал буласан-ку, —» дедим унга танбех бериб.

— Мен шаҳарлик эмасман, — деди у менга жавобан.

Узининг мактаби ҳақида, синфдошлари ҳақида гапириб берди. Унинг айтишича, яхши ўқир экан. Толнинг коваги-

дан бир китобни олди-да, менга қараб «Утган кунлар»ни ўқиганмисан, — деб суради. Мен уялиб қолдим. Чунки ўқимагандим. У бўлса ҳозир учинчи марта ўқияман, — деди. Зулфия менга бу романинг мазмунини айтиб бергач, ўқиб чиқдим. Негадир мен билан кундан-кун душлашиб бораётган Зулфия Кумушга ўхшаб кетарди... Билмадим нима учун? ...

**Санжарбек Раҳимов,
Бухоро шаҳридаги 3-мактаб
ўқувчиси.**

ШАҲАРЛИК ҚИЗЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАДИМ

Яқинда акамлар билан айланиб келиш учун Тошкент шаҳрига бордим. Қишлоқда яшаганим учунми, шаҳарлик қизларнинг юриш-туришига жуда ҳавас қилар эдим. Аммо...

Келинг, ҳаммасини айтиб бера қолай. Биз автобустга чиқиб, эски шаҳар томон кетаётганимизда, навбатдаги бекатдан чиройли кийинган мен тенги қизлар чиқишди. Уларнинг кийинишлари ҳам, узлари ҳам жуда келишган эди. Аммо кўринишлари узбекка ўхшаса-да, негадир русча гаплашар эди. Орачора узбекча иборалар ишлатишарди.



Олдинги уриндикда, (сут сотиб қайтаётган бўлса керак) бушаган сут идишларини олиб қайтаётган бир урта ёшли аёл ўтирарди. Унинг тепасида тикка турган ҳалиги тўрт қизнинг бири бурнини румолча билан беркитиб олди-да, аёлга орқасини ўтириб:

— Ваничка, — деди урисчалаб. Дугоналари хохолаб қулиб юборишди. Кейин уларнинг уртасида узаро суҳбат бўлди. Албатта бегона одамларнинг суҳбатига қулоқ солиш маданиятсизлик, лекин менинг қизиқувчан, ҳар бир нарсанинг тағига етдиган юрагим, бу гал ҳам баланд келган эди. Қизларнинг орасида қуйидагича суҳбат бўлиб утди.

— Ниг, жа лохсандей, ҳали Алишнинг гапини тушунмадинг.

— Мен ҳам гап билан бошлаб қулоғига лағмон осдим-ку...

— Бугун бозорда Муҳабни кўрдимми, намунча қишлоқларга ўхшаб кийиниб олибди...

— Унга чиройли кийим ярашармиди, узи чучилага ўхшаб кетарди-ку...

— Вой савил-ей, жа узларини кўрса-тишни яхши қуришади-дей...

Автобус тўхтади. Навбатдаги бекатда биз тушдик, ҳалиги қизлар ҳам тушди. Шу пайт бир чулоқ қиз автобустга қараб югурди. Буни кўрган қизлардан бири худди унга тақлид қилиб юриб, шерикларини роса қулдирди. Автобустга чиқиб олиб, бу воқеага кузи тушган бечора чулоқ қиз азбаройи уяланидан тескари қараб олди. Мен ҳалиги тўрт қизни жуда ҳам ёмон кўриб кетдим. Уларнинг кийинган кийимлари ҳам, узлари ҳам кузимга жуда хунук кўриниб кетди. Эртақларга ўхшаб қолган тасаввурим йўқолиб кетди. Биз шаҳарни жуда кўп айландик, жуда ҳам чиройли жойларни кўрдик. Авваллари жуда ҳавас билан қарайдиган шаҳарлик қизларга эътибор ҳам бермадим. Чунки назаримда уларнинг ҳаммаси автобустдаги ҳалиги сатанг, тантиқ қизларга ўхшаб кетадигандай эди. Шаҳарлик қизлар мендан хафа бўлишмасин, биламан уларнинг орасида хушмуомалали, назокатли қизлар кўп. Аммо одамнинг тасаввуридagi илк қарашларга тушган воқеанинг таъсири ҳам бошқача булар экан-да.

**Умида АҲМЕДОВА,
Навоий вилояти, Қизилтепа
тумани Ибн Сино номли мактаб
ўқувчиси.**

ИНСОН ҚАДРИ КИЙИМДА ЭМАС

Менинг исмим Дилноза, оилада биринчи фарзандман. Ростини айтсам, биринчи фарзанд бўлишликнинг яхши томонлари билан бирга ёмон томонлари ҳам жуда кўп. Уй ишларининг айтарли ҳаммаси сенинг бошингда, укаларинг ҳам бирор ёмонлиқ қилса, калтак, албатта, сенинг бошингда синади. Мен сизга тунгич фарзандларнинг ҳаётдан арз қилиш учун хат ёзмайман. Мени анчадан буён қийнаб юрган бир муаммо бор. Уйлай-уйлай, охири сиздан яқинроқ сирдош тополмагач, сизга айтишга жазм қилдим.

Биласизми, менинг дугоналарим жуда кўп. Ҳаммаси ҳам одобли, яхши қизлар. Аммо кийинишни, узларига қарашни биринчи уринга қўйишади. Хатто муомалалари ҳам одамнинг кийинишига қараб ўзгаради. Мен мана шундай

муносабатга қаршиман. Баъзи оилалар булади. Қули калталиқ қилиб, қизига замонавий либос олиб беролмайди. Уша қизларнинг одмигина кийимига қараб, уни чеккага ажратиб қўйиб бўлмайди-ку?!

Қолаверса, кейинги пайтларда нархи-навоси осмонда булган, кузни қамаштирувчи гузал кийимларни анча мунча одам ололмайди. Мен дугоналаримга ибрат бўлиш учун бир латифани келтирмоқчиман.

Бир замонлар катта бир олим утган экан. У жуда ҳам камтар, содда киши экан. Ваҳоланки, халқ учун кўп ихтиролар қилган экан. Кунлардан бир куни олим бир тўйга чақирилган меҳмонлар қатори кириб борибди. Тўйбоши қаердаги угрилар, чайқовчилар, қассобларни чиройли кийимига қараб турга утказибди-да, уларнинг орасидан бораётган олимнинг рангсиз кийимларига қараб, уни танитай, пойгадан жой кўрсатиб-

ди. Олим тўйдан уксиниб қайтиб келибди.

Орадан кўп утмай яна бир тўйга чақирилган олим, қишлоқ дуконларининг янги кийимини бир кунга сураб олибди-да, тўйга кириб борибди. Бу тўйбоши олимни янги кийими учун турга утказиб, унга илтифотлар қилибди. Ош сузилгач, ҳамма ошга қарабди. Олим эса бир гал оғзига солар экан, яна бир гал эса кийимига суртиб «ол кийимим, оше», — дер экан.

Тўйдагилар ҳайрон эмиш. Ундан нега бундай қилганини сурашганида, у булган воқеани айтиб берибди-да, «одамнинг қадри, кийимдан орқада қолган замон булди», — деган экан. Тўғри, кийим инсонни гузаллаштиради, аммо унинг қалбига, қадрига даҳл қилмаслиги керак.

**Дилноза ТОҒАЕВА,
Тошкент Нафис санъат
лицейи ўқувчиси.**

Ўқинг, бу жуда қизиқ

* * *

Петропавловск—Камчаткадан унча узоқ бўлмаган жойдаги Шимолий-Ғарбий чегара округида хизмат қилаётган 19 ёшли матросни тиббиёт куригидан утказаетганда шифокорлар ҳайрон қолишди. Унда икки эмас, учта буйрак мавжуд экан!

* * *

Сариқ рангли ликопларга солинган овқатлар бошқа идишлардагига қараганда кам истеъмол қилинади. Шундай идишдаги мевалар эса паққос туширилади.

* * *

Қизил рангдаги ликоп ёки идишларга қуйилган таомлар иштаҳа билан ейилади.

* * *

Ҳаво ранг идишларга қуйилган овқатларни тановул қилиш пайтида даврадошлар қизгин мунозарага киришади.

Уқувчилик йилларимданоқ «Тонг юлдузи» (аввал номи «Ленин учқуни» эди)ни севиб ўқиб келаман. Кейинчалик ҳар йили фарзандларим учун обуна бўлиб, биргаллашиб мутолаа қиладиган бўлдик. Хуллас, «Тонг юлдузи» кадрдонимиз, ҳақиқий ҳамроҳимиздир.

Янги — 1998 йилдан бошлаб газета саҳифалари купайтирилгани, «Ёш иқтисодчи» иловасининг қизиқарли чиқарилаётганидан мамнунмиз. Ҳар куни кечки овқатдан сунг қизларим Навбаҳор, Ойгулхонлар билан газетадаги мақолаларни, ҳикоятлар, топишмоқлар, бошқотирмаларни ўқиб, мунозаралар уюштираяпмиз.

Мен тиниб-тинчимас, изланувчан журналистларимизнинг эзгу ишлари учун ташаккур билдириб «Тонг юлдузи»нинг энди ҳар бир сони қулма-қул бўлиб ўқилиши, келажакда муштарийлари сони купайишига аминман. Сабаби, биз ҳам уз мақолаларимиз, айниқса, иқтисод соҳасидаги янгиликларимиз билан «Тонг юлдузи»да қатнашиб туришга қарор қилдик.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

* * *

Овқатингизга ёки чойингизга чивин тушса, мукофот оласиз.

* * *

Агар уйдан чиқаётиб кийимингиз бирор жойга илинса, дарров орқага қайтасиз.

* * *

Қўлни ювгач, сувини силкиб ташламаслик керак. Бундан шайтонлар купаярмиш.

* * *

Тилингизни тишлаб олсангиз, ким биландир жанжаллашасиз.

* * *

Мол, қўй, товуқ ва бошқалар суйилаётганда одатда боши қиблага қаратиб қуйилади.

Баҳодир ЭГАМ,
Навоий вилояти,
Қизилтепа тумани.



СЕШАНБА, 7 июль

Ўз.ТВ. 1

- 9.40. «Рақс, рақс, рақс».
- 10.30. Абитуриентлар, сизлар учун! Адабиёт.
- 11.00. Болалар учун «Мактублар — кабуларлар».
- 11.30. Абитуриентлар, сизлар учун. Математика.
- 18.10. «Бизнинг азиз болалар!».
- 20.10. «Оқшом эртаклари».
- 18.15. «Ерилтош». Мульттуплам.
- 18.25. «Ёввойи ҳайвонот олами».

Ўз.ТВ. 4

- 18.50. «Мульттомоша».
 - 19.05. «Ўйингоҳ».
- ЧОРШАНБА, 8 июль**
Ўз.ТВ. 1
- 9.35. «Хайр, богчажон!»
 - 10.30. Абитуриентлар сизлар учун! Биология.
 - 11.00. Алифбо сабоқлари.
 - 11.30. Абитуриентлар, сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
 - 12.30. «Акс садо».
 - 13.00. «Жонсарак». Мультфильм.
 - 18.10. Болалар учун «Кузгу» тележурнал.
 - 20.10. «Оқшом эртаклари».
 - 18.15. Жаҳон халқлари эртаклари.
 - 16.40. Болалар учун. «Эртанамо чоршанба».
 - 18.50. «Мульттомоша».
 - 20.45. «Дунё ва болалар».
- ПАЙШАНБА, 9 июль**
Ўз.ТВ. 1
- 9.20. «Сени, Ватан кутади!»
 - 10.30. Абитуриентлар, сизлар учун! Она тили.
 - 11.00. Янги алифбони урганамиз.
 - 12.05. Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
 - 12.45. «Девқомат ва булут» мультфильм.
 - 12.55. Кундузги сеанс. «Тош-

Азиз ўқувчилар! Бу ҳафта ҳам ажойиб воқеалар, шонли саналарга бой. Биз уларнинг айримларини эслатиб ўтмоқчимиз. Улардан огоҳ бўлиб, оромгоҳларда шу кун, шу сана юзасидан турли тадбирлар ўтказишингиз мумкин.

Шоир Амин Умарий 1913 йилда туғилганлар. Ҳаёт бўлганларида 85 ёшга тўлар эдилар. Уларнинг ilk китоблари 1928 йил нашр этилиб, «Ёш азаматлар» деб номланган. Шундан сўнг 1932 йили «Янғроқ садолар», 1933 йили «Давр тантанаси», 1939 йили «Фарзанд», «Садоқат», «Шеърлар», «Болалик қўшиқлари», «Овозим» китоблари нашр этилган. Шу билан бирга у ўндан ортиқ драматик асарлар муаллифидир.

Асирудин Ахсикатий туғилганига 890 йил

тўлди. Унинг тўлиқ исми Абулфазл Муҳаммад Тоҳир Асирудин Ахсикатий деб аталади. У Фарғона водийсининг Ахсикат шаҳрида таълим олган. Ўқини давом эттириш ниятида Балх, Хирот ва Марвага келади. Бу ерларда, айниқса Марвада риёзиёт, табобат, кимё илми нуҷум, фалсафа ва бошқа фанларни ўрганади. У 1156 йилда кўчманчи ўғиз қабилалари кўзғолонидан кейин Ҳўросондан Ажам Ироқи (Ажам)га келади. Асирудин Ахсикатий Ажам Ироқи ва Озарбайжонда 40 йил яшаган. Унинг 1313 йилда Абдулмўмин тарафидан кўчирилган девони 13300 мисрадан ташкил топган. Шеърларида Ватанни қўмсаш асосий ўринни эгаллайди. Девони Тихронда 1337 ҳижрий шамсий йили (1958) нашр этилган.

Ўғил болача ҳунар керак

Менга 26-июнда Ўзбекистон телевидениесининг 4-дастури орқали берилган «Оила остонадан бошланади» курсатуви жуда ёқди. Бу курсатув болаларга ўғил бола ўғил болача ҳунар олсин дегани билан янада мароқли бўлди. Унда «Шарқ ҳақиқати» маҳалласида яшовчи Ҳалима Ҳошимованинг ибратли сўзлари ҳар қандай онанинг кўнглига йул топади. Углининг радио, телевизор, умуман техника асбобларини тузатиши, шинамгина ҳовли-жойларидаги иссиқхонанинг гулдон помидор ҳосиллари билан безалишида ҳам болаларнинг ҳиссаси борлиги менинг ҳавасимни келтирди. Ҳақиқатда набирам — ун беҳ ёшли ўғил бола билан бозор айланиб ўзимга унинг олдида ич куйлак олишга уялдим. Уни бошқа нарсаларни харид қилишга чағитиб энди ўзимга керакли нарсани оламан, деб сотувчисини сурасам... Не куз билан курайки,

набирамга иккита келадиган норғул бир йигит, — мен-да, сотувчи, нечанчи размеридан берайин? — деб турибди...

Хуллас, курсатувни тайёрлаганларга минг раҳмат! Уни олиб борган атлас куйлакки қизнинг ҳам умри узоқ бўлсин. Ҳам атлас кийиш ўзбек қизига ҳусн бағишлашини намоиш этди, ҳам доно, билимдон саволлари билан курсатувда чиқаётганларнинг кўнглига қўл солиб, кўнглимиздаги гапларни гапиртирди!

Азиз углонлар! Сиз касб танлаш арафасида турган бўлсангиз — ўғил болача касб танланг. Бир кун келиб купчилик орасида ийманадиган, қулгута қоладиган касб эгаси бўлиб юрманг!

Ойбуви ТЕШАЕВА,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон туманидаги
Бешдарғат қишлоғи

ЖУМА, 10 июль

Ўз.ТВ. 1

- 9.05. «Ҳа-ҳа-ҳа!» Ҳазил. Ҳажвия. Ҳангома.
- 10.30. Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё.
- 11.00. Немис тили.
- 12.30. Кундузги сеанс. «Тошда ҳам дарахт усади». 2-қисм.
- 20.10. «Оқшом эртаклари».
- 18.15. «Бор экан-да, йуқ экан».

Ўз.ТВ. 2

Ўз.ТВ. 3

17.00. «Бинафина». Болалар учун.

Ўз.ТВ. 4

- 18.50. «Мульттомоша».
- ШАНБА, 11 июль**
Ўз.ТВ. 1
- 12.15. «Уйла, изла, топ!». Телебеллашув.
 - 18.00. «Мульттоламо».
 - 19.50. «Оқшом эртаклари».
 - 8.00. «У ким, бу нима?»
 - 11.30. Болалар экрани.
 - 17.30. «Ерилтош» мульттуплам.
 - 18.15. «Боланинг тили».

Ўз.ТВ. 4

- 10.05. Шанба эртаги.
 - 11.15. «Бу ажиб дунё».
 - 18.50. «Мульттомоша».
- ЯҚШАНБА, 12 июль**
Ўз.ТВ. 1
- 8.25. «Камалак» болалар учун кинодастур.
 - 12.55. «Маҳалламиз болалари». Телебеллашув.
 - 18.00. «Омад юлдузи» телеуйини.

Ўз.ТВ. 2

- 8.00. «Бор экан-да, йуқ экан».
- 11.45. Болалар экрани.
- 16.45. «Мультпанорама».
- 16.50. «Цирк, цирк, цирк!».
- 9.00. «Хайрли тонг».
- 9.55. Эртакларнинг сеҳрли олами.
- 14.30. «Жонли сайёра».
- 18.45. «Мульттомоша».
- 20.35. «Хайрли оқшом».

ДУШАНБА, 13 июль


Ўз.ТВ. 1

- 20.10. «Оқшом эртаклари».
 - 18.15. «Ерилтош» мульттуплам.
 - 18.50. «Мульттомоша».
- СЕШАНБА, 14 июль**
Ўз.ТВ. 1
- 20.10. «Оқшом эртаклари».
 - 18.15. «Ерилтош» мульттуплам.
 - 18.50. «Мульттомоша».

Ўз.ТВ. 4

да ҳам дарахт усади».

- 18.10. «Табиат алифбоси». Болалар учун.
- 20.10. «Оқшом эртаклари».
- 18.15. «Эркатой» болалар учун дастур.
- 18.40. «2000 йилдан сунг» телесериал.
- 19.00. «Жажжи давра».
- 20.05. «Табобат оламида».
- 18.50. «Мульттомоша».



Бир юртининг подшоси
Истаб зафарни,
Ихтиёр айлабди
Узоқ сафарни.

Анча кун юрибди
Подшоҳ, анча тун,
Бир кун чарчаб, ҳоли
Бўлибди забун.

Норларга ортилган
Мешлар қурибди,
Подшоҳ сув дардида
Кўп ўй сурибди.

Чор атроф биёбон,
Чор атроф сахро.
Карвон кетар эмиш
Янтоқлар аро.

Барчанинг кўзида
Битта илтижо:
Тангри истакларин
Этсайди бажо.

Бир қудуқ чиқсайди
Карвон йўлидан,
Тўйиб ичсайди
Муздек сувидан...

Лек атроф биёбон,
Лек атроф сахро.
Карвон кетар эмиш
Янтоқлар аро.

Бирдан кўринибди
Узоқда чорбоғ.
Барчанинг кўксидан
Отилибди «Оҳ!»

Сўз айтибди аста
Подшоҳ бедармон:
«Чорбоғ томонига
Бурилсин карвон!...»

Чорбоғнинг атрофи
Очиқ тураркан,
Бу боғда бир боғбон
Кунин кўраркан.

Вазир унга дебди:
«Сув бер тезроқ, чол!
Подшоҳимиз чўллаб,
Бўдилар беҳол...»

Бир зум ўтмай, коса
Тутибди боғбон.
Кўриб сув рангин шоҳ —
Бўлибди ҳайрон.

Чой ҳам эмас эди,
Айрон ҳам эмас.
Тиқилиб қолибди
Сувга шоҳ бирпас.

«Ичаверинг! — дебди,
Боғбон, — бу шарбат —
Ҳар бир ташналикни
Босади албат...»

Шарбатни симириб,
Шоҳ лол қолибди.

Танаси яйрагач,
Сўнг сўз қотибди:

«Яшадим дебман мен
Тўкис, бус-бутун.
Дилимни ғашладинг
Сен, боғбон, бугун.

Қанд десам, мазаси
Қанддан ҳам аъло.
Асал ҳам олдида
Бўлур бемаъно.

Салтанатим улкан,
Юртим бепоён —
Деб юрган эканман...
Бир нарса аён.

Бўлди менга шу зум...
Очдинг кўзимни,
Нотўғри қўйибман
Элда тузумни.

Нодира Рашидова



Эртак

Нега бу шарбатдан
Саройимда йўқ?
Менда йўқ, сенда бор!
Ким берди ҳуқуқ?

Отидан тушибди
Подшоҳ ўша он.
Атрофида турар
Жимиб оломон.

Шоҳ дебди: «Қани, оч
Шарбатнинг сири...»
Боғ ичра кўрсатиб
Бутанинг бирин,

Ҳотам боғбон дебди:
«Бор сир шундадир!
Истаган кишилар
Мевасин татир...»

Юмалоқ мевани
Кесибди боғбон,
Пичоқнинг тигига
Гўё тегиб қон,

Қип-қизил доналар
Сачрабди ҳар ён.
Барча ёқа ушлаб,
Қотибди ҳайрон.

Шоҳ лаъл доналарни
Татиб кўрибди
Ва ғаройиб бута
Томон юрибди.

Гулу мевалардан
Узолмайин кўз,
Вазирни жеркибди:
«Нега сиз ҳануз —
Бу ерда турибсиз?!
Бу қандайин ҳол?!
Кўчиринг саройга
Бутани дарҳол!...»

Шоҳ шундай дебди-ю
Чиқибди йўлга.
Саройга шошибди,
На ўнг, на сўлга —

Қарамай, ғаройиб
Бу мўъжизани
Аҳли саройига
Тез билдиргани.

Дарбозадан ҳали
Кириб улгурмай,
Ҳатто тахтига ҳам
Ҳали ўтирмай,

Бурун жийирибди...
Шоҳ шартта ўзи —

Қизидан шарбатни
Юлиб татибди.
Бундай нордон нарса!...
Шоҳ лол қотибди...

Шу он буюрибди:
«Боғбонни дарҳол
Қошимга келтиринг,
Билай — бу не ҳол!

Шарбат ширин эди
Мен татиган чоғ.
Сехрлимиди ё
У биз қўнган боғ?!»

Чопарлар отларин
Елдирибдилар,
Бир зумда боғбонни
Келтирибдилар.

Сўроққа тутибди
Боғбон чолни шоҳ,
Дебди чол: «Қонимдан
Кеч, олампаоҳ.

Сенга бир тарихни
Сўзлай, қулоқ, сол.
Ўзинга сўзимдан
Панд чиқариб ол.

Кўп йиллар муқаддам
Ҳотамтой бобом —
Жаҳонда эзгулик
Турсин деб мудом,

Чорбоғда ўстириб
Ғаройиб бута,
Отамга айтибди
Бир кун: «Бўтам,

Оталар қолдирар
Фарзандга мерос.
Кимдан кўп қоладир,
Кимдан эса оз.

Мендан эса сенга
Қолган меросим —
Кўзларга кўринмас
Сирли тарози.

Тарози шу бута
Ичра яширин.
Шундан, мевасининг
Шарбати ширин.

Эзгулик, яхшилик
Бўлса посанги —



Меванинг ўзгармас
На таъм, на ранги.

Гар ёвуз ниётли
Кўл урса инсон,
Бўлиб қолар ҳар бир
Меваси нордон...

Гарчи туюлса-да
Сўзларим эриш,
Бил, боғни умрбод
Қилдим парварши,

Бесарҳад саҳронинг
Қоқ ўртасида...
Эзгулик туйғандим
Бобом дарсидан.

Чўллаган бечора
Бўлса баҳраманд,
Шарбатнинг қандига
Кўшилади қанд.

Сен ҳам остонамга
Келгандинг юввош.
Чанқоғинг босдинг-у
Зулминг этдинг фош.

Кўпларга тегишли
Насиб, ризқ-рўзни
Зумда юлдинг, кетдинг...
Ўйладинг ўзни!»

Қолди шоҳ ҳангу-манг
Чолнинг сўзидан,
Тортилгандай бўлди
Парда кўзидан,

Ва шу он, шу зумда
Чиқарди фармон:
Туплаисин майдонга
Деб бор оломон.

Гуноҳин ювмоқлик
Учун, ўша чоғ
Барчага мевани
Тарқатибди шоҳ...

Кўп йиллар ўтибди,
Ўтибди шоҳ ҳам.
Лекин у зулмдан
Қолибди алам.

Шундан сўнг оламга
Тарқабди илк бор,
Шоҳ зулмидан мерос
Шу аччиқ АНОР...



КИТОБ ҲАФТАСИ

Китоблар биз учун ҳам билим, ҳам кунгил очиб китобдир. Билмаган нарсаларимизни китобдан урганамиз. Китобдаги яхши ҳикоялар, эртак ва шеърларни уқиймиз. Ҳар йили «Дунё болалар китоблари ҳафтаси» кунларида бизда китоб курғазмаси очилади. Китобнинг фойдаси тушунтирилади. Ҳақиқатан ҳам китоб уқиш жуда фойдали бир одатдир. Бу яхши одат кичик ёшларда бошланиши шарт! Китоб уқишни одат қилмаган ёшларга насиҳатим:

— Агар сиз китоб билан дуст бўсангиз, бу дустлик келажакда сизни жуда катта ютуқларга эриштиради.

ҲАЗИЛ ТОПИШМОҚЛАР

1. Уқувчининг ҳамма дарслари яхши, нимагадир уқитувчининг кузига кўринмайди.
(Уқитувчи куз ойнак таққани учун).
2. Инсон кўпинча қайси мавзуда китоб уқийди?
(Билмаган мавзуси ҳақида).
3. Оёқ кийимлар эскирмаслиги учун нима қилиш керак?
(Катталарга кийишга бермаслик керак).

УЯЛГАНИМДАН

Кунлардан бир кун Насриддин Хужанинг уйига уғрилар кирибди. Насриддин Хужа эса буш сандиқнинг ичига кириб олибди. Уғрилар уйдан оладиган ҳеч нарса тополмай сандиққа кузи тушибди, бориб сандиқни очиб қарасалар сандиқда Насриддин Хужа ётган эмиш. Уғрилар:

— Сандиқда нима қилиясан? — деб сурашибди.
— Уйимда сизга берадиган ҳеч нарсам булмагани учун уялганимдан сандиққа беркиниб олган эдим, — деб жавоб берибди Насриддин Хужа.

Туркияда чиқадиган болалар журналдан Нодирбек Бекмирзаев таржимаси.

«КҮРИЛАДИГАН КҮПРИК» ҲАҚИДА ҲАЗИН РИВОЯТ

Дадам кундузлари ишда бўлгани учун бобом менга масал ва ҳикоялар айтиб берар, топишмоқлар топтирар эди. Ақлим етмаган нарсаларни бобомдан сураб эдим. У ҳам ҳеч эринмасдан узоқ тушунтирар эди.

Бир кун яна юзма-юз суҳбатлашиб утирдик. Едимга қишлоғимизнинг йуллари тушди. Бобомдан сурадим:

— Бобожон, қишлоғимизнинг йуллари нега эгри-бугри? «Қуриладиган куприги» нима учун бу қалар баландликда қурилган?

Бувам бу саволларга қуйидагича жавоб берди.

— Болам, бу куприкнинг узига хос тарихи бор. Олдин айтиб бермаганмидим?

— Йук.
— Ундай бўлса айтиб бераман, эшит. Мен дарров куприкни куз олдимга келтирдим. Илгари унақа куприкни курмаган эдим. Бу куприк узун ва ингичка водийни икки тарафдан бир-бирига боғларди. Икки тепалик орасидаги қатнов шу куприкдан утарди. Бобом қаршимга утирди ва ҳикояни бошлади.

— Карамон уғиллари замонида бизнинг мамлакатимизда бир уста яшаган экан. Шу қадар яхши уста эканки, ҳамма куприкларни унга қурдиран эканлар. Бу уста биланларини ургатмоқ учун ёнига бир шогирд олишга қарор қилади. Узи юрган қишлоқлардан қобилиятли бола қидиради. Бир кун қишлоқларнинг бирида бир болани куриб қолади. Узича уйинга шун-

ҚУВОНЧ ЙЎЛИ

«Инсонларнинг энг яхшиси — инсонларга фойдаси тегадиганидир», — дейлади Ҳадиси Шарифда. Сизга ўз ижодий таржималарини илк бора ҳавола қилаётган акаларингиз — менинг талабаларим. Тошкент Давлат Дорилфунуни, ўзбек филологияси факультетининг туркология бўлимида таҳсил кўришади. Туркча таржимага қизиқишади. Тўғри, улар инглизчани ҳам уддалашади. Аммо ҳозирча илдимиз бир — турк тилидан қилган таржималарини ҳужмингизга ҳавола қилишимдан мақсад — хоҳлаймизми, хоҳламаймизми азиз болалар, сизларнинг ана шу каби ижодкор ака-опаларингиз маънавиятингизга, оламингизга ўз илм зиёси билан таъсир кўрсатишади.

Инсон умрини шундай ўтказсинки, босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилаётганида ачинмасин, аксинча қилган ишларидан, кишиларга нафи етганидан қувонсин. Устоз сифатида шогирдларимга шундай йўланма берар эканман, бу қувонч йўлининг муқаддимаси кишидан САБРни, МЕҲНАТни талаб этади деб қайта-қайта таъкидлайман.

САБР ва МЕҲНАТнинг илк меваларини эътиборингизга ҳавола этаётган севимли шогирдларимга болажон газетамиз орқали оқ йўл тилайман.

Абдумурод ТИЛОВОВ
Туркшунос олим.

ғиб кетган бу бола кичик бир сув ариғининг устига чумолиларнинг утиши учун бир куприк қураётган экан. Тошларни шу қадар чиройли қилиб терармишки, қурган куприги устага маъқул келибди. «Бу болада иш бор», — дебди уста. Уни ёнига олиб, устачилик сирларини ургатиш учун оиласидан рухсат суради. Оиласи бу таклифни қабул қилибди. «Уғлимиз ҳам бу устадек бўлади», — дебдилар ва севинганча, болани устага берибдилар.

гатган бир йигит, унинг шуҳратига соя ташласа-я! Уста узоқ хаёлга толибди. Хаёлини ёмон режалар ураб олибди. Шогирдига хабар юбориб, ёнига чақирибди. Хабарни эшитган бола дарров устаси ёнига келиб:

— Мени чақирдингизми, устоз? — дебди.
— Хуш келибсан. Сен қурган куприкни биргаликда бир курмоқчи эдим. Хатоси борми, йўқми...
— Хуп бўлади, устам. Қани сизга маъқул



Уста ёнига олган бу болага биланларини ургата бошлабди. Бола ақли ва қобилиятли бўлгани учун устанинг курсатганларини дарров урганиб олар экан. Йиллар сувдек оқиб утибди. Уста кексайиб, бола успириб бўлибди. Уша атрофда янги куприкка эҳтиёж туғилибди. Устага янги ишлар берилибди. Қарабдики, ишларининг ҳаммасини бир узи бажара олмайди. Узи тарбиялаган шогирдига «Куприклардан бирини сен қурасан», — дебди. Шогирди бу таклифдан жуда севинибди. Устасига уз маҳоратини исботлаш учун шундай ишлабдики, қисқа вақт ичида мукамал бир куприк қурибди. Баъзилар устани мазаҳ қила бошлабдилар. «Унинг қурган куприги сенкидан чиройли ва яхши бўлибди. Унинг усталиги сенкидан қувватли», — дебдилар. Ҳар ерда «Шоҳ қулоқдан утди», — деб гап тарқатибдилар. Уста бу гапларни эшитиб сиқилар, хасислик туйғулари ортар экан. Ёнида тарбиялаган ва ҳар нарсани узи ур-

келадими?
Биргаликда куприкка кетибдилар. Уста қурибдики, куприк ҳақиқатан ҳам мукамал экан. Хасислик туйғулари яна ҳам ортибди.
— Куприкка нима деб исм қўясан? — деб сурабди шогирдидан.
— Куприк чиройли бўлди, устам. Бу менинг илк асарим. Буни ҳамма куриши керак. Шунинг учун «Қуриладиган куприк» қўяман.
— Яхши, — дебди уста ва шогирдини синамоқ учун сурабди:
— Бу чиройлими ёки менинг қурганларимми?
— Хафа бўлмангу устам, бу улардан жуда чиройли, — дебди шогирд.
Шогирднинг бу жавоби устани ақлдан оздираёзибди. Узини тўхтата олмайди. Боланинг ёнига яқинлашибди ва уни куприкдан пастга итариб юборибди. Дарёга тушган бола шу ернинг узидан жон берибди. Атроф-

дагилар тупланибдилар, куприкнинг қаршисига қабр қазиб, уни шу ерга кумибдилар. Куприкдан утганларнинг қўшлари боланинг руҳига Қурьон тиловот қилар экан...

Куприк ҳикояси мени қайғуга чумдирган эди. Бир боланинг гуноҳсиз улдирилиши ичимни зирқиратди. Мен ана шундай хаёллар ичида эканман, бобом секин сурадилар.

— Уканг сендан аёло баҳолар олса, сендан утса қизганмоқ йўқ, билдингми?

Ҳеч уйламасдан «бунақа бўлмайди», — дея олдим, холос. Бошқа ҳеч нарса хаёлимга келмади. Бобом кулимдан тўтиб, кузларимга боқиб шундай дедилар:

— Хасадгуй, қизганчик инсонларни ҳеч ким севмайди.

Акмал ИСЛОМОВ
Ўзбек филологияси факультети
2-босқич толиби

ТУРК ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИ

1. Оқшом қарасам куп эди
Эрталаб турсам йўқ эди.
(юлдузлар)
2. Менинг бир дарахтим бор, дарахтининг 12 та шохи бор,
Ҳар шохда 30 та барг, бир тарафи оқ, бир тарафи қора.
(йил)
3. Биз эдик, биз эдик
Юз мингларча қиз эдик.
Оқшом бўлди тизилдик.
Тонг отганда бузилдик.
(юлдузлар)
4. Бу ердан отдим қилични —
Мағридан чиқди бир учи
(чақмоқ)
5. Дунёни қоплар, денгизни қоплай
олмас.
(қор)
6. Юз минг олтин баробар чиқар
(қуёш)
7. Ости мрамор усти мрамор,
Ичида бир келин уйнар.
(тил)
8. Беш оғанини бир қудуққа тош отар.
(бармоқ)
9. Кетди келмайди, келди кетмайди.
(ешлик, қарилик)
10. Ер остида уйлари
Эгри-бугри йуллари,
Ингичкадир беллари.
(чумоли)
11. Ости тахта, усти тахта
Ичида бир сариқ сурпа
(бодом)
12. Бозордан олдим бир дона,
Ёриб қарасам минг дона.
(анор)
13. Қизил — олдидан қарасам,
Ёғоч — ёнига борсам—
Болдир — озгимга солсам.
(гилос)
14. Ости беркли, ости беркли
Ичида юз қалпоқли.
(гутурт)
15. Туг ёғочни уйдилар
Ичига нозлар қўйдилар,
Елғон-яшиқ сузласа
Қулогини бурдилар.
(тор, рубоб)
16. Истамбулда пишади, ҳиди бу ерга
тушади.
(мактуб)
17. Менда бор, сенда бор,
Инсонда бор, одамда йўқ.
(«Н» ҳарфи)
18. Бозорда бўлмас, румолга кунмас
Ундан ширин, ҳеч нарса бўлмас.
(уйку)
19. Жонли-ку жонсиз туғади, жонсиздан жонли чиқади
20. Оқ устидан қоралар, бир-бирини қувалар.
(ёзув)
21. Оғзи очик аломат, ичи тула қиёмат.
(Тандир)
22. Мен тураман, у келади.
(овоз)
23. Мен кетаман у қолади.
(из)
24. Йул устида бир ҳачир,
Ҳеч турмас, доим ётар.
(куприк)

Туркология бўлими, 2-босқич талабаси Фарҳод НОРТОЖИЕВ таржимаси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТЕУОТ ҚҰМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА
ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Муртазо СУЛТОНОВ,
Жаббор ҲАҚИМОВ, Гулнора
ИҶОДИЕВА, Ҳотам АБДУ-
РАЙМОВ, Инқилоб ЮСУПОВ,
Дадахон ЁҚУБОВ,
Миршохид МИРҲАМИДОВ,
Суннатилла ҚУЗИЕВ, Феруза
ОДИЛОВА.
«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Асқар ШОКИРОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0171.
46.496 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Руйхатдан утиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон: 1-33-44-25
• 1-36-57-91
• 1-36-54-21